



## TARIXIY VOQELIKKA AYLANGAN KUN

6-sahifa ►►

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqqan boshlagan ● 2022-yil 2-sentabr, №35 (2994)



## REKORDLAR VA XAVFSIZ G'ALABA

Yosh o'g'il-qizlar yuzidagi porloq tabassum, ayollardagi iffatga o'ralgan faxru iftixor Xalqaro armiya o'yinlarida g'alaba qozongan harbiy xizmatchilarning necha muddatlik izchil mehnatlari, oila a'zolarining sadoqati va sabrlari, ular uchun davlat tomonidan yaratib berilgan imkoniyat va qulayliklar mevasi edi.

10-11-sahifalar ►►

## MUNOSIB RAQIBLAR VA G'OLIB JAMOA



12-sahifa ►►

@ vatanparvar-bt@uamail.uz

t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

YANGI O'ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

# VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz JAMOVIY-SIYOSIY, MA'NADAR, MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI

# 31 yil

MUSTAQILLIK  
BAYRAMI  
MUBORAK  
BO'LSIN,  
AZIZ  
HAMYURLAR!



Tahririyat  
haqida  
ma'lumot

# ЧИНАКАМ МАРДЛИК ВА ВАТАНГА ЧЕКСИЗ САДОҚАТНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Урганч шаҳрида  
Жалолиддин Мангуберди ҳайкалининг очилишига бағишланган  
тантанали маросимдаги нутқи**

Ассалому алайкум, азиз ватан-дошлар!

Мухтарам меҳмонлар!  
Қадрли Хоразм аҳли!

Бугун Мустақиллик байрами арафасида халқимизнинг буюк фарзанди Жалолиддин Мангуберди хотирасига бағишлаб бунёд этилган мухташам ёдгорлик мажмуасини тантанали равишда очмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, бунда чуқур рамзий маъно бор. Нега деганда, **дунёдаги энг улкан қахрамонлик – бу Ватан мустақиллиги ва озодлиги йўлида кўрсатилган мардлик ва жасоратдир. Бундай қахрамонлик асло унутилмайди, ҳамisha халқ қалбида яшайди.**

Жалолиддин Мангуберди эл-юрт истиқлоли учун курашган, бунга ўз ҳаётини бағишлаган аждодларимизнинг буюк намоёнасидир.

Она юртга муҳаббат ва садоқат, ор-номус ва шон-шараф бобида унга тенг келадиган улуғ шахслар дунёда камдан-кам учрайди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Бу фикримизни донишманд аллома ва одил ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг: **«Олам аҳли Жалолиддиндан олдин ҳам, кейин ҳам бундай баҳодир жангчини кўрмаган. Бу зотнинг азму шижоати олдида ҳатто буюкликнинг ўзи ҳам таъзим қилади»**, деган сўзлари яққол тасдиқлайди.

Султон Жалолиддин ўн бир йил давомида мўғул босқинчиларига қарши 300 дан ортиқ жангларда иштирок этиб, ёвларни титратиб келди. Бундай жасорат ҳар қандай одамни ҳам ҳайратда қолдиради.

Енгилмас саркарданинг Синд дарёси бўйида ўз қўшинидан тўрт марта кўп бўлган Чингизхон қўшинига мардона қарши чиққанини эслайлик. Ёки Исфохон яқинидаги жангда бор-йўғи 14 нафар аскар билан мингдан зиёд мўғул лашкарининг қуршовини ёриб ўтганини ёдга олайлик.

Ҳатто Чингизхондек саркарда ҳам унинг матонатини кўриб: **«Жалолиддиндек қахрамон фарзанди бор ота нақадар бахтлидир»**, деб тан беришга мажбур бўлган.

Султон Жалолиддин жанговар фаолияти билан нафақат ўз юртини, балки дунёдаги ўнлаб мамлакатларни ҳам мўғул ҳужумидан ҳимоя қилганини жаҳон аҳли эътироф этади. Бутун умри урушда ўтган бўлишига қарамасдан, у оғир ва мураккаб даврларда ҳам илм-маърифат ҳомийси сифатида масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар, қалъалар, йўл ва кўприклар қурдирган.

Тақдирнинг қалтис синовларини мардона энгиб ўтган, 32 ёшда ҳалок бўлган азамат аждодимизнинг ҳаёт йўли, шахсияти ва жасорати барчамизга асло эскирмайдиган бир ҳақиқатни уқтиради:

**Ватан озодлиги, Ватан манфаати йўлида бирлашиб, марди майдон бўлиб курашга бел боғлаган халқни ҳеч қандай куч ҳеч қачон энга олмайди.**

Ҳурматли маросим қатнашчилари!

Мустақиллик йилларида Ватанимизда Жалолиддин Мангубердининг ўлмас хотирасини абадийлаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар барчангизга яхши маълум. Хусусан, давлатимизнинг юксак мукофоти – Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис этилди. Юртимизда бу улуғ зотнинг таваллуд саналари муносиб нишонланмоқда. Унинг ҳаёти ва фао-



лиятига бағишланган янги-янги илмий ва бадиий асарлар яратилмоқда.

Буюк аждодимизнинг давомчиларини камол топтириш мақсадида Урганчда Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий академик лицей ташкил этдик. Бу мардлик мактаби жорий йил илк бор ўқувчиларни ўз бағрига қабул қилмоқда. Уларнинг барчасига омад ва зафарлар тилаб, келгусида бу навқирон авлод орасидан улуғ саркарданинг муносиб издошлари бўлган ҳақиқий ватанпарвар ўғлонлар, жасур офицер ва генераллар етишиб чиқади, деб ишонамиз.

Азиз дўстлар!

Биз бугун очилаётган ёдгорлик мажмуаси лойиҳаси устида жуда кўп ишладик. Зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳаза ва таклифларини ўргандик. Бўйи 25 метр бўлган ушбу маҳобатли ҳайкалда Султон Жалолиддиннинг қатъиятли, мағрур сиймосида келажакка катта ишонч ва шиддат билан интилаётган халқимизнинг ватанпарварлиги, букилмас иродаси ўз ифодасини топган.

Ҳайкал олдида Жалолиддин Мангуберди битиктошининг нусхаси ўрнатилди. Битиктош нусхасида муқаддас Қуръони карим оятлари, Жалолиддин Мангуберди шажараси, ушбу ёдгорликнинг яратилиш тарихи акс эттирилган.

Жалолиддин Мангуберди мажмуасини барпо этиш билан бирга, Урганч шаҳри ва унинг марказий майдонида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари ҳам амалга оширилди. Қарийб 8 гектарлик ушбу ҳудуд бутунлай янгица қиёфа касб этди. Бу ерга 18 мингга яқин манзарали дарахт, гул ва буталар экилди. Шаҳарнинг марказий майдони остидан ўтадиган, тўрт қаторли, узунлиги 500 метр бўлган ноёб автомобиль туннели барпо этилди.

Ҳурматли тантанали маросим иштирокчилари!

Шу ўринда айтиш керакки, охириги йилларда амалга ошираётган ислохотларимиз натижасида барча ҳудудлар каби Хоразм ҳам ўзгармоқда. Хусусан, ўтган 5 йилда барча туман марказлари, 100 га яқин қишлоқ ва маҳаллалар обод қилинди. Сайёҳлар учун 80 та янги меҳмонхона қурилди.

Келгуси 5 йилда вилоятда янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этилиб, хорижий туристлар сони 10 баробар оширилади, яъни ярим миллионгача етказилади.

«Очиқ осмон остидаги музей» номини олган Хива шаҳрига темир йўл етиб борди ва янги вокзал ишга туширилди. 2024 йилда эса тезюрар поездини Хивага олиб келишни режа қилганмиз.

Тулпор каби учқур, тезюрар поездга Жалолиддин Мангуберди номини

берсак, ўйлайманки, сизлар ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлайсизлар. Шунингдек, Урганч ва Хива шаҳарлари ўртасидаги автомобиль йўли бўйида 100 дан зиёд замонавий сервис объекти барпо этилади.

Ислоҳотларнинг ташкилоти томонидан Хива шаҳрининг 2024 йилда **«Ислоҳотларнинг туризм пойтахти»** деб эълон қилиниши бу соҳадаги ислохотларимизнинг муносиб эътирофи бўлди.

Бошлаган ишларимизнинг изчил давоми сифатида воҳада маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар учун жозибадор **«Хоразм» туристик брендини яратиш** бўйича аниқ режа асосида иш олиб борилмоқда.

Хоразмга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини кескин ошириш учун ҳудудлараро ва халқаро транспорт қатновларини кенгайтириш мақсадида зарур инфратузилмалар яратилади. Жумладан, йўловчилар оқими бўйича пойтахт аэропортидан кейинги ўринда турадиган Урганч халқаро аэропорти келгуси 2 йилда реконструкция қилиниб, йирик туристик транспорт хабига айлантирилади.

Хабарингиз бор, сиз, азизлар билан маслаҳатлашиб, халқимиз, биринчи навбатда, ёшларимизнинг фикри, хоҳиш-истакларини эътиборга олиб, Урганч шаҳрида Ал-Хоразмий шаҳарчаси қурилишини бошладик.

Бу ердаги 130 гектардан зиёд ҳудудда Ал-Хоразмий университети ва ихтисослашган мактаби, Ал-Хоразмий маркази, буюк бобомизнинг улуғвор ҳайкали бунёд этилади. Шунингдек, бу ерда технопарк, ишлаб чиқариш зонаси ва офислар, тиббиёт, инновация ва маданият марказлари, мактаб ва боғчалар, яшил майдон ва хиёбонлар, спорт мажмуалари, автотурагоҳ, савдо ва маиший бинолар, энг муҳими, аҳоли учун 104 та кўп қаватли замонавий шинам уй барпо этилади.

Худо хоҳласа, бу шаҳарча ҳам худди Самарқанддаги «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм маркази сингари мамлакатимизнинг энг гўзал ва бетакрор масканларидан бирига, таъбир жоиз бўлса, Урганч шаҳрининг юзига айланади.

Фурсатдан фойдаланиб, Хоразмда мана шундай эзгу ишларни амалга оширишда иштирок этган ва меҳнатини давом эттираётган барча-барча азиз инсонларга – қурувчи ва муҳандисларга, меъмор ва ҳайкалтарошларга, техник мутахассис ва мутасаддиларга, чет эллик ҳамкорларимизга, меҳнаткаш ва олижаноб Хоразм аҳлига самимий миннатдорлик билдираман.

Мухтарам юртдошлар!

Бугунги маросимда зиёлилар,

айниқса, ёшлар вакиллари иштирок этаётгани учун бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз кўплаб мухташам иморатлар қуришимиз, маҳобатли ҳайкаллар барпо этишимиз мумкин. Аммо ушбу бунёдкорлик ишларимизнинг туб маъносини, тарбиявий аҳамиятини халқимиз, ёшларимиз қалбига сингирмасак, бу обидаларнинг маънавий ибратини тушунтира олмасак, асосий мақсадимизга ета олмаймиз.

Биз бугун дунёда ва минтақамизда турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган нотинч бир замонда яшамоқдамиз. Кўплаб бузғунчи кучлар ўзларининг ғараз ниятлари билан ёш авлоднинг онгини эгаллашга уринмоқдалар. Бундай таҳликали вазиятда жондан азиз фарзандларимизни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шу сабабли буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди сингари ватанпарвар, жасоратли аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, уни халқимиз, айнақса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш барчамизнинг бурчимизга айланиши лозим.

Айни вақтда бу борада фидойи олим ва адибларимиз томонидан олиб борилаётган илмий-ижодий изланишларни қўллаб-қувватлашимиз, уларни янги асарлар яратишга рағбатлантиришимиз лозим. Хусусан, ана шундай изланишлар туфайли Туркиянинг Силван шаҳрида улуғ аждодимизнинг қабри топилгани муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қардош давлат билан келишиб, бу ерда рамзий мақбара бунёд этсак, албатта, ҳар томонлама савобли иш бўлади.

Вилоят ҳокимлиги ҳамда хоразмлик зиёлиларнинг саъй-ҳаракати билан тузилган Жалолиддин Мангуберди фонди фаолиятини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чораларини ҳам кўришимиз зарур.

Жалолиддин Мангубердининг шарафли тарихини тўлақонли ёритиб берадиган илмий энциклопедия, яъни қомус яратиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифадир.

**Чакмоқдек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшаган Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди.**

**Ишонман, орадан йиллар, асрлар ўтади, Султон Жалолиддин ҳамisha юртимизнинг кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-эътиқод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади.**

Мухтарам ватандошларим!

Сўзимнинг якунида барчангизни бугунги қутлуғ тарихий воқеа билан, яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрамимиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ҳаммангизга тинчлик-омонлик, оилавий бахт-саодат, хонадонларингизга битмас-туганмас кут-барака тилайман.

Дунёга Жалолиддин Мангуберди каби буюк қахрамонларни берган муқаддас заманимиз, она халқимиз омон бўлсин!

Мард ва матонатли Хоразм элининг доимо бахтини, омадини берсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT MUSTAQILLIGINING ЎTTIZ BIR YILLIGI MUHOSABATI BILAN XARBIIY XIZMATCHILAR VA XUQUQNI MUHOFAZA QILISH ORGANLARI XODIMLARIDAN BIR GURUXINI MUQOFOTLASH TUGRISIDA

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар тай-ёргарлигини оширишдаги алоҳида хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги шарафли бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар орден ва медаллар билан муқофотлансин:

### II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Базарбаев Заирджан Гулиматович** – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари  
**Курбанов Исмаил Худайназарович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари  
**Сормонкулов Адхамжон Райимович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ўринбосари  
**Юлдашев Эркин Туракулович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари  
**«Дўстлик» ордени билан**  
**Гафуров Аскаржон Бойисович** – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари  
**Ким Оксана Рудолфовна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали тиббиёт ҳамшираси  
**Мадреймов Саламат Кубейсинович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси бошлигининг ўринбосари  
**Хакимов Ринат Фидаилович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

### «МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдурахмонов Рафик Фахриддинович** – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командири  
**Зайниддинов Хумюн Аловиддин ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси офицери  
**Избасаров Бахтжан Алмаханович** – Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари – жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи  
**Тўлаев Фарҳодбой Файзибоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси  
**Тураходжаев Нажмиддин Садинович** – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари  
**Хакимов Муҳаммадбобир Сайфидинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири  
**Элмуродов Хусниддин Холмунинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

### II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Алиханов Пирназар Буранович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлим бошлиғи  
**Харина Любов Вениаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали врач-анестезиолог-реаниматолог  
**Шакаров Анвар Долиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлигининг ўринбосари

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Артиков Сапарбек Жумабаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус қабулхонаси бошлиғи  
**Аскарлов Дилмурод Умаралиевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири  
**Атахонов Баходир Махмуджонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси  
**Бабаев Алибек Адилбекович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ взводи мутахассиси  
**Булаков Жаҳонгир Асрол ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири  
**Гофоров Улуғбек Рустамали ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлим катта офицери  
**Дадаханов Шавкат Шакирович** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошқарма бошлиғи  
**Дарханов Мадрахим Абдукаримович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири  
**Имомов Собир Туракулович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Сурхондарё вилояти бўйича махсус отряди гуруҳ командири – бош мутахассис  
**Исраилов Хамза Хаким ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири  
**Карабаев Анвар Абдугаппарович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси отряд командири

**Рахмонов Илхом Бозорбой ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ ҳайдовчиси  
**Тўраев Хуршид Абдикаримович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги эскадрильяси звено командири  
**Турапов Исомиддин Намазович** – Самарқанд вилояти Божхона бошқармаси «Улуғбек» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости бошлиғи  
**Турсунбаев Максат Уразбай ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлими қўриқлаш маркази ходими  
**Якубов Азамат Уралбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод мутахассиси

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Муродилла Рахматуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси  
**Алимов Мурадбек Раджабович** – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими  
**Алиев Раим Абдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси  
**Алмамедов Улуғбек Алиджанович** – Тошкент шаҳар маъмурий судининг раиси  
**Бобонов Хасан Алишеревич** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Махсус ёнғин-қутқарув бошқармаси бошлиғи  
**Бозоров Ғолибжон Алижонович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари хизмат бошлиғи  
**Ботиров Нодир Нормунинович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири  
**Бўриев Хайрулла Раҳимбердиевич** – Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар прокурори  
**Джубанишев Жанибек Аязбаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Нукус шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи  
**Жумаев Ҳамдам Панжиевич** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими  
**Зупаров Санжар Тахирович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи  
**Кодиров Зокир Кузиевич** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси хузуридаги Тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси  
**Курбанов Хамидулла Сераббоевич** – Тошкент шаҳар Яшнобод тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори  
**Маматкулов Улуғбек Искандарович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти йўловчилар поездларини кузатиш батальони сафдор ходими  
**Маматкулов Сардоржон Жуманиёзович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири  
**Маматкулова Сурайёхон Қодиралиевна** – Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори  
**Махаммадиев Эшбек Аширович** – Жиззах вилояти Адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари  
**Мусаева Гулрух Икрамовна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош тиббиёт ҳамшираси  
**Мустафаева Широной Фарходжоновна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Фарғона «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейи психологи  
**Насилоев Комил Пўлотович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм секция командири  
**Насритдинов Чорикули Рахматович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси доценти  
**Нурматов Исроилжон Ибраимжонович** – Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани ички ишлар бўлими бошлиғи  
**Расулов Абдилло Сайфиллоевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ катта мутахассиси  
**Рахимов Наримон Иброхимович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи  
**Рахимов Шерзод Бахтиёрович** – Наманган вилояти Уйчи тумани прокурори  
**Сабиров Курбанбай Тангирбергенович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм тиббиёт пункти фельдшери  
**Саттаров Диёрбек Нематжонович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти бошқарма бошлиғи  
**Саттаров Фуркат Аблфатович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи  
**Тоштуров Воҳид Эшонкулович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командири ўринбосари  
**Тўраев Шавкат Шоназарович** – «Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти» чегара божхона пости бошлиғи

**Турсунов Камариддин Гуломович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири  
**Тухтасинова Шахло Ахмаджоновна** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари мутахассиси  
**Усмонқулов Икромжон Холбутаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ командири ўринбосари  
**Хайтматов Зиёвуддин Хакимович** – Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Олмазор тумани фавқулодда вазиятлар бўлими инструктор-қутқарувчиси  
**Хатамов Жаҳонгир Жураевич** – Самарқанд вилояти прокурори  
**Ходжаев Шухрат Нигматуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари  
**Юсупхонов Махмуд Каримжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

### «ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Обиджон Хайитович** – «Навоий кон-металлургия комбинати» Давлат корхонаси «Марказ» кон бошқармаси ёнғин қутқарув қисми ҳайдовчи-қутқарувчиси  
**Бахрамов Зокиржон Исмоилович** – Наманган вилояти Косонсой тумани ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи  
**Бобозиев Жанобиддин** – Фарғона вилояти Сўх тумани давлат солиқ инспекцияси бош инспектори  
**Вахидов Бахтиёр Муҳаммаджонович** – Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи  
**Жумаев Шухрат Аллабердиевич** – Сурхондарё вилояти Шеробод тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи  
**Қиличов Ойбек Раҳимбоевич** – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори  
**Махсудов Одилжон Арифжанович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси кафедраси катта ўқитувчиси  
**Меккамов Бекзод Шавкатович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи  
**Мўминов Баҳодир Исмоилович** – Самарқанд вилояти Жомбой тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили  
**Муратов Нурали Бурханович** – Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси гуруҳ командири  
**Муродов Бахтиёржон Баходирович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси бошлиғи  
**Низамутдинова Гулнора Ибадуллаевна** – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи  
**Нурқобилов Отабек Йўлдошевич** – Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Термиз шаҳри фавқулодда вазиятлар бўлими йўриқчи-қутқарувчиси  
**Пардаева Гулрух Буриевна** – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосарининг таъминот гуруҳи бошлиғи  
**Саламов Баҳром** – Тошкент шаҳридаги «Sanktaleks» адвокатлик фирмаси адвокати  
**Сафаров Ислом Тешаевич** – Бухоро вилояти Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ катта инспектори  
**Тожиёв Тулқин Химматович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари катер командири  
**Тошхўжаев Ўткирбек Аминжонович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Фарғона вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи  
**Умаров Бахтиёржон Махмудович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири  
**Умарова Зилола Умар қизи** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар бўлими давлат ижросини  
**Усманов Фозилжон Кувандикович** – Навоий вилояти Конимех тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи  
**Халбаев Хуршид Холжигитович** – Сурхондарё вилояти Божхона бошқармаси бошлигининг ўринбосари  
**Хожиматова Хуршида Абдуллаевна** – Андижон вилояти Божхона бошқармаси «Дўстлик» чегара божхона пости катта инспектори  
**Шерлиев Муродбек Атабекович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлим бошлиғи  
**Эргашева Гузалхон Саидаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчиликни тизимлаштириш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси бош маслаҳатчиси  
**Эшназаров Муродқосим Хамзаевич** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 29 август

(ЎЗА)

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ҲАР ҚАНДАЙ МУКОФОТ ЭЛ-ЮРТ ЭЪТИРОФИ, ВАТАН ИШОНЧИДИР

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ, давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан кўплаб ватандошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланган эди. Шунингдек, мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссаси учун бир гуруҳ чет эл фуқаролари «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.**

30 август куни Кўксаройда мазкур мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилганларни Мустақиллик байрами ва мукофотлар билан табриклаб, эзгу тилаклар билдирди.

– Давлатимизнинг олий мукофотларини сиз, азизларга топшириш мен учун ҳам катта шараф. Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни, жойларда мукофотларни қабул қилиб олаётган юртдошларимизни чин юракдан табриклайман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу кунларда халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигини катта шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда. Бобо-момоларимиз буни неча юз йиллик тарихи давомида орзу қилиб, озодликка интилиб яшаган. Истиқлолга эришиш – эл-юртимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган буюк воқеадир. Бу ғоя, бу руҳ халқимизга ҳамisha тоғдек таянч бўлиб келмоқда.

Бугун мамлакатимиз тараққийнинг янги босқичига қадам қўймоқда, улкан режа ва дастурлар амалга оширилмоқда. Президентимиз мукофотланганларни ана шу ислохотларнинг ташаббускорлари,

Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари деб атади.

– Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Бугун сизларнинг олижаноб ва мардона меҳнатингизни халқ муносиб баҳолаётгани, давлатимиз қадр-лаётгани. Ҳамма сизларга ҳавас билан қарайди, – деди Президент.

Кейинги пайтларда дунё таҳликали бўлиб бораётгани, рақобат кескин тус олиб, иқтисодий алоқаларда узилишлар бўлаётгани ҳақида фикр билдирди.

– Бу мураккаб шароитда етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб иш тутишимиз керак. Ташқи сиёсатимизни шундай тузаяпмизки, бизнинг яккаю ягона муддаомиз – Ўзбекистон манфаатини таъминлаш. Мақсадимиз – халқимизни рози қилиш. Бунинг учун имкониятлардан янада самарали фойдаланишимиз, жайдари қилиб айтганда, борини асраб, йўғини яратиб яшашимиз керак, – деди давлат раҳбари.

Бугун халқимиз бир муштак жипс. Ҳамма ўз соҳасида мамлакат ривожига ҳисса қўшмоқда. Мўътабар фахрийларимиз катта ҳаёт тажрибаси билан йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Омилкор тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар, ишчи-муҳандислар мамлакатимиз та-

раққийетиға беқиёс ҳисса қўшмоқда. Илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаси вакиллари юртимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш йўлида фидойилик намунасини кўрсатмоқда.

Маҳаллага тушиб, ишларни манзилли ташкил этиш – давлат идоралари фаолиятининг мезонига айланди. Маҳалла фаоллари бу ислохотларга қанот бўлмоқда. Хотин-қизлар юртимиздаги демократик жараёнларнинг, халқчил ислохотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланиб бораётир.

Халқимиз умр мазмунини фарзандларида кўради. Шундай меҳр-эътибор билан улғайган ёшларимиз бугун ҳамма соҳада илғор бўлиб, мамлакатимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиқмоқда.

Мард ва жасур ҳарбийлар мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш, эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида фидокорона хизмат қилмоқда.

– Мен сизларни ўзимнинг энг яқин маслақдошларим, сафдошларим деб биламан. Барчамиз аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, садоқат билан меҳнат қилиб, Янги Ўзбекистонни яратаётганимиз билан фахрланамиз. Халқимизга, сизлар

каби мард ва шижоатли юртдошларимизга ишониб маррани катта олдик. Биз учун биттаю битта тўғри йўл, ягона мақсад бор: у ҳам бўлса, кўпмиллатли халқимиз, жонажон Ўзбекистонимиз манфаати йўлида хизмат қилишдир. Мана шу қутлуғ йўлда барчангизга омад ва муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари мукофотларни тантанали равишда топширди.

– Ҳар қандай мукофот бу аввало, эл-юрт эътирофи, Ватан ишончидир. Бугун кўксингизда ярақлаб турган орден ва медаллар барчангизга буюрсин, сизларни янги ютуқ ва марраларга чорласин. Илоҳим, мана шундай хурсандчилик кунларимиз кўп бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин, – дея тилак билдирди Президентимиз.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, аёллар ва ёшлар иштирок этди.

(ЎЗА)

## ХАЛҚИМИЗ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ЎЗ ЖОНИНИ ФИДО ҚИЛГАН АЖДОДЛАРИМИЗ ХОТИРАСИ ҲАМИША БАРҲАЁТДИР

**Мустабид ва истилолар даврида заминимизда минглаб бегуноҳ инсонлар умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар пароканда ва хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.**

Президент Шавкат Мирзиёев 31 август куни эрта тонгда Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар қатағон қурбонларини ёд этиш учун йиғилди. Қуръон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақиқа дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Ватанимиз фидойиларини айнан Мустақиллик байрами кунларида ёд этишда катта маъно бор. Бу халққа хизмат ҳеч қачон унутилмаслигини, эл-юртимиз озодлиги ва тинчлиги қадрини яна бир бор англади.

2001 йилдан буён 31 август «Қатағон қурбонларини ёд этиш куни» сифатида нишонлаб келинмоқда. Жадид боболаримизнинг руҳларини шод этиш, ҳаёти ва меросини ўрганишга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда. Ўтган йили Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи реконструкция қилинган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда унинг филиаллари очилди.

Бу йил музейда жадид талабалар Германияга ўқишга юборилганининг 100 йиллигига бағишланган экспозиция ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари музейга кириб, мазкур кўргазма билан танишди.

– Бу ерга ҳар гал келиб, эътибор беришимиз бежиз эмас. Мустақилликка эришиш осон бўлмаган. Истиқлолимизга 31 йил бўлгани билан боболаримиз 100 йиллар олдин бунга ҳаракат қилган. 100 минг ватандошимиз қатағонга учраб, 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Нима учун? Таҳлил бўлган. Улар энг катта қаҳрамонларимиз, миллатнинг хазиначиси бўлган. 2-3 тадан тил билган.

Ватанимизни озод қилиб, тараққийга олиб чиқишини билишган. Бу ерда худди уларнинг овозлари эшитилгандек бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шулар ҳақида сўзлар экан, Президентимиз Қуръони каримдаги оятни ёдга олди. «Оли Имрон» сурасининг 169-оятда: «Аллоҳ йўлида ҳалок бўлганларни ўлик, деб ҳисобламанг, улар тирикдир, Парвардигорлари ҳузурда ризқланишмоқда», дея марҳамат қилинган.

Халқимиз озодлиги, ҳақиқат ва адолат йўлида ўз жонини фидо қилган шаҳид аجدодларимизнинг хотираси ҳам ҳамisha барҳаётдир.

Давлатимиз раҳбари ҳали бу тарих охиригача ўрганилмагани, қатағон қурбонларини аниқлаш ва хотирасини тиклаш бўйича изланишларни давом эттириш кераклигини таъкидлади.

– Бутун дунёда бир парча қоғоз бўлсаюм, қанча маблағ келсаюм, ўзбек миллатига дахлдор ҳужжатларни топинглар, деб топшириқ бергандим, – деди Президент. – Охириги йилларда яна қанча қатағон қурбонлари аниқланди. Адолат нуқтаи назардан қаҳрамон боболаримизнинг номларини тикляпмиз. Ўтган бир йил ичида Ўзбекистон Олий суди томонидан 235 нафар ана шундай ватандошимиз оқланди. Жадид боболаримиз номида музейлар, мактаблар ташкил қилинган. Тошкент марказида Абдулла Қодирий мактаби қуриб, ҳайкалин яратдик. Нима учун? Одамлар ўтганда кўриши, «мен кимларнинг авлодиман» деб ўйлаши, асарларини билиши керак. Ёки Чўлпонни тиклаш қандай қийин бўлди? Бугун биз пастга тушинглар, халқнинг ичига боринглар, деяпмиз, халқдан куч олаяпмиз. Чўл-

пон ҳам шундай деган. Бундай хайрли ишларни тўхтатмаслик керак. Янги китоблар, фильмлар чиқариш зарур.

Давлатимиз раҳбари бу йўлда изланаётган захматкаш олимларга, зиёлиларга миннатдорлик билдирди. Жадидларнинг ҳаёти ва асарларини телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшларга етказиш, мактаб дарсларида бу мавзуга кенг ўрин бериш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида маърифатпарвар боболаримизнинг маънавий меросини ўргатиш бўйича кафедра ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Маълумки, мустабид тузум фақат жадидларни йўқ қилиш билан чекланиб қолмаган. Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам минглаб ватандошларимиз турли бўҳтонлар билан қамоққа олинган, ҳўрланган.

– Бугун ҳам йўлда ўйлаб келяпман. 30-йилларни эски тарих деса, «пахта иши»-чи?! Етакчиларимизни қатағон қилиш учун сохта айбловлар ўйлаб чиқаришди-ку. Бошқа республикаларда йўқмиди камчилик? Бундай аламли воқеаларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Бугунгидай байрамларда, тинч-осойишта кунларда шуларни ҳам юрагимиздан ўтказиб, ёшларимизга етказишимиз керак, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Дунё нотинч бўлиб бораётгани, бундай вазиятда огоҳ ва вазмин бўлиш кераклиги қайд этилди.

– Кўряпсизлар, дунёда рақобат, таҳдидлар кучайиб борапти. Хавф ёнимизда юрибди. Бунга тайёр бўлиш учун ҳамisha огоҳ бўлиш зарур. Бугунги эмин-эркин ҳаётимизга шукрона айтиш

билан бирга эртанги кунимизни мустаҳкам қилишимиз керак. Қачон мустаҳкам қиламиз? Билимли бўлсак. Агар боболаримиз буюклигидан руҳланиб, ҳар бир соҳа бўйича таълимни мукамал қилсак, манаман деган давлатдан кам жойимиз йўқ. Болаларимизни зўр ўқитсак, натижа биз кутгандан ҳам яхши бўлади. Мустақиллигимиз барқарор ва абадий бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида ҳам Қуръон тиловат этилди. Аллоҳдан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб дуо қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев «Янги Ўзбекистон» боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Бу мажмуа 2021 йилда, истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган эди. Унда мамлакатимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунгача бўлган энг муҳим воқеалар, буюк аллома ва жаҳонгир боболаримизнинг сиймолари акс эттирилган. Монументнинг энг юқори қисмида Ҳумо қуши тасвирланган.

«Мустақиллик монументи – она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида» деган эди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари ҳам иштирок этиб, монумент пойига гуллар қўйди.

(ЎЗА)

# МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИДИР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!  
Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, мана шу муаззам «Янги Ўзбекистон» боғида туриб, сиз, азизларни, бутун халқимизни улуғ айём – Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни, энг эзгу ва олижаноб тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Бундан ўттиз бир йил муқаддам жаҳон харитасида «Ўзбекистон Республикаси» деган янги, мустақил давлат пайдо бўлди.

Биринчи Президентимиз мухтарам Ислон Абдуғаниевич Каримов бошчилигида мамлакатимизнинг миллий мустақиллигини дунёга эълон қилдик.

**Орадан йиллар, асрлар ўтади. Лекин миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз ва инсоний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклаб берган, барча ютуқ ва марраларимизнинг замини бўлган Мустақиллик куни биз учун, келгуси авлодларимиз учун доимо энг улуғ, энг азиз байрам бўлиб қолади.**

Қадрли юртдошлар!

Охирги олти йил давомида биз Ватанимиз тараққиётининг янги босқичида кенг қамровли ислохотларимизни бошлаб, изчил давом эттирмакдамыз.

Ўтган даврда «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойил фаолиятимиз дастурига айланди.

Вазир ва ҳокимлар, депутат ва сенаторлар, раҳбар ва мутасаддилар, умуман, барча-барчамиз, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, халқ ичига кириб, халқдан куч олиб, янги ёндашув асосида халқимизга хизмат қилмоқдамиз.

Бир ҳақиқатни ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор: **бугунги Ўзбекистон – бу кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.**

Мамлакатимиз пандемия ва глобал инқирознинг салбий таъсирларига қарамасдан, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға бормоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бугун биз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш осон эмас. Бундай улуғ вазифанинг шартини мезонлари кўп. Аммо энг муҳим ва ҳал қилувчи омил – бу демократик ислохотлар йўлидир.

Шу боис халқимиз манфаатига тўла жавоб берадиган **бу йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.** Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга қараб борамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз учун инсон, унинг кадр-қиммати қанчалик азиз бўлса, унинг хотираси ҳам шунчалик муқаддасдир.

Шу сабабли Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг номларини оқлаш, уларнинг фаолияти, илмий ва ижодий меросини ўрганиш, хотирасини эъзозлашга янада муҳим аҳамият қаратмоқдамиз.

Миллий кадриятларимизда алоҳида ўрин тутадиган авлодлар ўрта-

сидаги анъаналар давомийлигини сақлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг, мухтарам отахон ва онахонларимизнинг ҳаётини янада мазмунли қилиш нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимизга айланмоқда.

Шунингдек, биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда азму шижоатли ёшларимизни халқимизнинг чинакам таянчи ва суюнчи, деб биламиз.

Фарзандларимиз нуфузли халқаро мусобақа ва фестиваллар, фан олимпиадалари ва танловларда ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келмоқдалар.

Яқинда Ҳиндистонда бўлиб ўтган жаҳон шахмат олимпиадасида терма жамоамиз тарихда биринчи марта «Олимпия чемпиони» деган юксак шарафга сазовор бўлгани ҳаммамизга чексиз ғурур бағишлайди.

Ушбу улуғ айёмда мана шундай ақлли, иродаси мустаҳкам, мард ва жасур ўғил-қизларимизни, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларини ўз номидан, халқимиз номидан яна бир бор қутлаб, уларга янги зафар ва омадлар тилайман.

Айни вақтда мамлакатимиз ёшлари Туркияда ўтказилган Ислон бирдамлик ўйинларида, ҳарбий хизматчиларимиз эса халқаро армия мусобақаларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганлари таҳсинга сазовордир.

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Биз барча ҳамкор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан дўстона ва тенг ҳуқуқли ташқи сиёсат юритишни давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган чет давлатларнинг мухтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини самимий қутлаймиз.

Самарали ҳамкорлик алоқаларимизни ривожлантиришга қўшаётган катта ҳиссалари учун чин қалбдан ташаккур билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини жадал амалга оширмакдамыз.

Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан.

Янги Ўзбекистон:

– ҳар бир фуқаронинг ҳаётини янада яхшилаш мақсадида давлат хизматларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берадиган;

– одамлар ўз муаммолари ҳақида очик гапириши ва уларнинг ечимини учун биргаликда ҳаракат қилишларида барча шароитлар мавжуд бўлган;

– ҳамма учун адолатни сўзсиз таъминлаш имкониятини берадиган ҳамда фуқаролари ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг бўлган;

– тадбиркорликнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратилган давлатдир.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон деганда, ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қиладиган, очик ва адолатли жамият ҳам тушунилади.

Ушбу юксак марраларга эришиш учун 2026 йилгача Тараққиёт стра-

тегияси доирасида кейинги ишларимизни 5 та асосий вазифалар бўйича ташкил этамиз.

**Биринчидан**, таълим соҳасида фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қулай шароитлар яратишни изчил давом эттирамиз. Бунинг учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқилади.

Ушбу тизим аввал илғор хорижий мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиб, кейингина ҳаётга татбиқ этилади. Натижада Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берамиз.

Устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтарамиз.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни ҳар томонлама ривожлантирамиз.

**Иккинчидан**, суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди.

Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислохотларимизни албатта давом эттирамиз.

**Учинчидан**, дунё тажрибасидан маълумки, фақат тадбиркорлик ривожланган давлатда – сифатли таълим, малакали тиббиёт, фаровон ҳаёт ҳамда эртанги кунга ишонч бўлади.

Умуман айтганда, биз қураётган Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилади, камбағаллик қисқаради, аҳоли даромадлари кўпаяди. Бунинг учун хусусий мулк ва тадбиркорликка халақит бераётган барча тўсиқлар бартараф этилади.

Давлат бошқаруви ислоҳ қилиниб, иқтисодийта давлат иштироки кескин камайтиради.

Биз аҳоли ва тадбиркорларга солиқ юкни енгиллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш бўйича ислохотларни изчил давом эттирамиз. Бунда ҳеч кимга алоҳида имтиёзлар берилмайди, соғлом рақобат муҳити учун барча зарур шароитлар яратилади.

**Тўртинчидан**, соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига янада сифатли ва малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирамиз.

Барча ҳудудларда шошилинч тиббий ёрдам қамровини ошириб, уни одамларга янада яқинлаштирамиз.

Мақсадимиз – халқимиз соғлом ҳаёт кечириши ва ўртача умр кўриши даражасини узайтиришга эришиш.

**Бешинчидан**, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи доимо диққатимиз марказида бўлади.

Соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми кескин кўпайтирилади.

Шу билан бирга, муаммоли ҳудудларга тоза ичимлик сувини етказиш ва сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастурларни амалга оширамиз.

Мухтарам дўстлар!

Албатта, бундай кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда олдимизда турли қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлиши табиий ҳол. Лекин **ўз тарихида қанча-қанча синов ва машаққатларни бошидан кечирган мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишга қодир.** Мен бунга қатъий ишонаман.

Асосий муаллифи ва ижодкори халқимиз бўлган – янгиланаётган Конституциямиз бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий қонунимизни шошилмасдан, чуқур ўйлаб, халқимиз билан маслаҳат қилиб, фақат умумхалқ референдуми асосида қабул қиламиз.

Ишончим комил, **Янги Конституциямиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.**

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Жаҳондаги бугунги мураккаб вазият биздан ишнинг кўзини билиб, кечаю кундуз фидойи бўлиб, самарали меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Шу боис Қуролли Кучларимизнинг қудрати ва салоҳиятини юксалтириш ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Аскар ва офицерларимизнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати, ватанпарварлик фазилатларини оширишга янада кўпроқ аҳамият берамиз.

Мана шу қутлғу кунда Ватан ҳимоясида доимо сергак ва ҳушёр турган мард ва жасур ўғлонларимизни чин дилдан қутлаб, уларга куч-ғайрат ва омадлар тилаймиз.

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Бугун биз ўз олдимизга улуғвор ва юксак мақсадларни қўймоқдамиз.

Ана шундай улкан марраларга етиш йўлида кўп миллатли эл-юртимиз янада бирлашиб, ягона ахил оила, ягона халқ бўлиб, астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бу – биз эришаётган барча ютуқларимизнинг мустаҳкам гарови, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ислохотларимизни фаол қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда доимо фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халқимизга чин дилдан таъзим қиламан.

Сиз, азиз юртдошларимни Ўзбекистон мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сўхат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Эзгу орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Яратганинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# Yangi O'zbekistonda el aziz, inson aziz

# ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНГАН КУН

Мустақиллик — олий қадрият, ота-боболаримизнинг эзгу интилиши рўёби. Шунинг учун ҳам йиллар, асрлар ўтган сари унинг қадр-қиммати ортиб бораверади. Бу йил Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига 31 йил тўлди. Тарихий сана муносабати билан Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» шиори остида байрам тадбири ўтказилди. Тантананада мудофаа вазири генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов, вазир ўринбосарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, элимиз суйган санъаткорлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.



Кўтаринки кайфиятда бошланган тадбирда сўз олган мудофаа вазири йиғилганларни энг улуғ, энг азиз айём билан кутлар экан, мустақиллик кўхна тарихимиз, бой меросимиз, миллий давлатчилигимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклагани билан янада қадрли эканлигини, ўтган давр мобайнида меҳнаткаш халқимиз ўзининг мустақам иродаси, матонатини намоён этиб, улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганини, ўзлигимизни англаганимизни, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида бор бўй-бастини, улкан салоҳиятини бутун дунёга намоён қилаётганини мисоллар орқали эътироф этди. Шу кунгача барча соҳаларда, жумладан, Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилган ислохотларга тўхталди. Ўтган давр мобайнида мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтган Қуролли Кучлар бугун мамлакатимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаш, демократик ислохотларни муваффақиятли

амалга оширишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилаётганини, йилдан йилга унинг жанговар қобилияти ортиб, мудофаа қудратимиз мустақамланаётганини, Қуролли Кучлар сафларидаги мард ва жасур ҳарбий хизматчиларнинг халқаро мусобақалар ҳамда армия ўйинларидаги муваффақиятли иштирокини юксак ғурур билан тилга олди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш борасида алоҳида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчиларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди. Яна бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар навбатдаги ҳамда эгаллаб турган лавозимидан бир поғона юқори ҳарбий унвонлар, I, II, III даражали «Намунали хизмати учун», «Жанговар фаолияти учун» ва «Махсус операциялар кучлари»

кўкрак нишонлари, мудофаа вазирининг эсдалик нишони, қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Байрамда хизмат бурчини бажариш чоғида жароҳат олган, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳам эътибордан четда қолмади. Уларга пул мукофотлари ва мудофаа вазирининг эсдалик нишони берилди. Шу куни Қуролли Кучлар фахрийларига ва Мудофаа вазирлиги билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётган санъаткорларга ҳам шундай эътиром кўрсатилди.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққанлар Ватан олдидаги камтарона хизматлари юқори баҳоланиб, шундай эътирофга муносиб кўрилгани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирдилар.

«Жасорат» медали билан тақдирландим, – дейди майор Хуршид Тўраев. – Эътироф инсонни янги марралар сари руҳлантирар экан. Бундан буён ҳам ушбу мукофотга лойиқ бўлишга интиламан. То танда жоним бор экан, элим, юртим

ҳимоясида, унинг тинчлиги, барқарорлиги йўлида хизмат қилишдан асло толмайман.

– Бугунги ҳаяжонимни сўз билан таърифлаб беролмайман, – дейди кичик сержант Бобур Худратов. – «Махсус операциялар кучлари» кўкрак нишони билан тақдирландим. Шахсан мудофаа вазирининг нишонни қабул қилиб олар эканман, ўша лаҳзаларда ҳаётдаги мақсадим шарафли эканлигини яна бир бор дилдан ҳис қилдим. Бу жуда бошқача ҳис эди... Мен Ватаннинг, яқинларимнинг ишончини ҳамиша шундай ёруғ юз билан оқлашга ваъда бераман!

Табрик учун сўзга чиққанлар тақдирланганларни юксак мукофот билан самимий муборакбод этди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда таниқли хонандалар ижросидаги дилтортар куй ва кўшиқлар тантананага ўзгача шукӯҳ бағишлади.

Майор  
Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

# Inson qadri uchun

# ВАТАН ИЧРА ВАТАНЛИ БЎЛИШ ЗАВҚИ

**Мустақиллигимизнинг 31 йиллик шукӯҳи кезиб юрган файзли кунлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун қўшалоқ байрам бўлди. Гап шундаки, Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида ҳарбийларга хизмат уйлари тантанали равишда топширилди.**



III darajali serjant Olim BERDIYEV

Унда Мудофаа вазирлиги масъуллари, Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги раҳбарияти, маҳалла оқсоқоллари иштирок этди. Сўзга чиққан меҳмонлар уй эгаларини табриклаб, ўзларининг самимий тилаklarини билдиришди.

– Ҳарбий хизматчи сифатида ўз фаолиятимни бошлаганимга 15 йил бўлди. Ўтган вақт мобайнида турли ҳарбий округларда хизмат қилдим. Аксарият ҳолларда оиламдан йироқда бўлганман, – дейди кичик сер-

жант Равшанжон Саидов. – Бугун сафдошларим қатори менга ҳам хизмат уйи берилди. Бу уй менга жуда қадрли. Айниқса, ҳарбий қисмимиз ёнида жойлашгани кўнглимга хотиржамлик беради. Икки фарзандим ва турмуш ўртоғим кўзларидаги қувончни кўриб, Ватаним осойишталиги йўлидаги хизматимдан фахр туйғусини яна бир карра ҳис қилдим. Биз юрт ҳимоячиларига қаратилаётган юксак эътибор учун Президентимизга оиламиз номидан миннатдорлик билдираман.

– Ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи бўлиш осонмас, – дейди Дилфуза Тиркашева. – Турли сафарлар, кутилмаган топшириқлар каби ҳолатларга биз ҳам оилада улар сингари «жанговар ҳолатда» туришимиз керак. Балки, айтаётганларим сал кулгили туюлар, аммо Ватан посбонларининг посбони биз, аёллармиз! Уларнинг иссиқ-совуғи, кийим-кечакларининг тозалиги, фарзандларнинг саломатлиги, оиланинг осойишталиги бевосита аёлларга боғлиқ. Шундай экан, турмуш ўртоғимнинг ёнида елкадош бўлишим, унга куч ва ғайрат бағишлайди.

Шундай имкониятни бизга тақдим этган муҳтарам Президентимиз ва Мудофаа вазирлиги раҳбариятига катта раҳмат айтмоқчиман. Ҳарбий шаҳарчада биз ўзимизни хотиржам ҳис қилмоқдамиз. Бу ерда болаларимиз учун ҳам барча шароитлар яратилган. Бизга ажратилган хонадонда барча маиший техника воситаларининг мавжудлиги янада хурсанд этди. Инсон қадри улуғланган юртда яшаётганимдан фахрланаман.

**Шерзод ШАРИПОВ,**  
«Vatanparvar»

# Islohot

**Бугунги кеча-кундузда давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллик шодиёналари билан алоқадор бўлмаган бирор соҳа борлигини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳар йили ҳамюртларимиз байрамни ўзгача умид, ўзгача шукӯҳ ва кўтаринки кайфиятда қарши олишади.**

# БАЙРАМГА КЎРК ЯРАШАР



Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Мустақиллик байрами арафасида кимлардир янги уйларга кўчиб ўтади, яна кимлардир давлат мукофотлари билан тақдирланади. Энг муҳими – шаҳарлар, туманлар, маҳаллаларимизда бир-биридан кўркем бинолар қад ростлайди ва юртимизда таниб бўлмас даражадаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Барча соҳада бўлгани каби Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам бундай

бунёдкорлик ишларини амалга ошириш аънаанага айланиб бормоқда. Бугун ана шундай эзгу ишларнинг самарасига Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида ҳам гувоҳ бўлдик. Туманда жойлашган сафарбарлик чақируви резерви батальони биноси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан Сирдарё туманида мустақиллигимизнинг 31 йиллиги ҳамда сафарбарлик чақируви резер-

ви хизмати батальони биносининг очилиш маросими муносабати билан байрам тантанаси ташкиллаштирилди. Байрам тадбирида Тошкент ҳарбий округи қўмондони полковник Зокиржон Сайфуллоев, Сирдарё тумани ҳокими Ботир Мирзоқулов, Қуролли Кучлар фахрийлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Батальоннинг марказий биносига кириш эшиги олдида мовий ленталар кесилиб, меҳ-

монлар округ қўмондони ҳамроҳлигида бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таништирилди.

Тадбир якунида меҳмонлар учун байрам дастурхони ёзилди ва Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.

**Асрор РЎЗИБОЕВ,**  
«Vatanparvar»

# МЕҲНАТ, МУВАФФАҚИЯТ,



VIII Халқаро армия ўйинлари доирасида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўтказилган «Содиқ дўст» мусобақасида Ўзбекистон жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллаб, 2 та олтин медалга сазовор бўлди.

ВЕРНЫЙ ДРУГ

Ушбу нуфузли беллашув жорий йилда эркаклар ва аёллар ўртасида алоҳида тартибда ўтказилди. Дастлаб биринчиликни ҳарбий кинолог қизларимиз қўлга киритган бўлса, эркаклар ўртасида кечган баҳслардаги олтин медал ҳам мутахассис йигитларимизга насиб этди.

Эркаклар ўртасида мезбон жамоамиздан кейинги 2-ўринни Россия жамоаси банд этди. Бир хил рейтинг натижасини қайд этган Жазоир ва Беларусь Республикалари жамоалари эса 3-ўринни эгаллади.

Мурасасиз шартлар якунида аёллар ўртасида 2-ўрин рейтинг очколари тенг бўлган Россия ва Жазоир ҳарбийларига насиб этди. Шоҳсупанинг 3-ўринни беларуслик ҳарбий кинологлар банд этди. «Содиқ дўст» мусобақасида мамлакатимиз номидан иккита жамоа қатнашиб, уларнинг бири асосий, кейингиси танловдан ташқари тартибда иштирок этди. Шу ўринда асосий жамоамизда ғалабага ҳисса қўшиб, рекорд

ўрнатган 4 нафар қаҳрамонимиз номини қайд этиш ўринлидир.

## ВАКИЛЛАРИМИЗДАН РЕКОРДЛАР СЕРИЯСИ

Беллашувнинг «Дог биатлони» шarti бўйича якка тартибда кураш олиб борган юртдошимиз кичик сержант Иродахон Олимова 2 400 метрга югуришда «Гита» лақабли хизмат ити билан 10 дақиқаю 13.8 сония қайд этиб, рекорд натижани ўрнатди.

Эркаклар ўртасида ўтказилган баҳсларда кичик сержант Зухриддин Қўшоқов ҳам «Бест» лақабли ити билан юқоридаги шарт бўйича рекорд ўрнатди – 8 дақиқаю 18 сония.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Қурбонбек Ярашев эса «Драго» лақабли ити билан барча рақибларини орта қолдириб, 1 дақиқаю 8 сония натижа орқали рекордни қайд этди.

«Ҳимоя-қоровул хизмати» шartiда Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг аёллар жамоасидан кичик сержант Маржона Окқўзиева

«Бренда» лақабли ити ҳамроҳлигида барча тўсиқларни чапдастлик билан енгиб, 1.17 сониялик рекорд натижани жамоамизга тақдим этди.

Мусобақанинг сўнгги «Дог биатлони (чемпионлар пойгаси)» шartiда эркаклар ўртасида кичик сержант Зухриддин Қўшоқов «Бест» лақабли «содиқ дўсти» билан мусобақадаги иккинчи рекордини ўрнатди. Эътиборлиси, 2021 йилги 5 дақиқаю 56 сониялик рекордга ҳам унинг ўзи муаллифлик қилган эди. Жорий йилда эса 5 дақиқаю 25 сониялик натижани қайд этиб, рекордини янгилади.

## БУ ИЛК ҒАЛАБА ЭМАС

«Содиқ дўст» мусобақасининг ўтган йилги баҳсларига Жазоир Халқ Демократик Республикаси мезбонлик қилган эди. Унда ҳам Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги кинологларидан иборат эркаклар ва аёллар жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, чин маънода сенсацион натижа кўрсатган эди.

Мазкур мусобақада иштирокчи жамоалар белгиланган нишонларни БИ-7,4 кичик калибрли спорт қуроли билан яқсон қилиш, 300 метрли тўсиқли йўлакдан ўтиш, «Дог биатлони (яккалик пойга)» ва 1 600 метр масофага (Дог биатлони) эстафета югуриш шартларида ўз маҳоратларини намоиш этишган.

Жамоамиз вакили III даражали сержант Улуғбек Нуриллаев 300 метр масофадаги тўсиқларни хизмат ити билан енгиб ўтиш йўлагидан янги рекордни ўрнатгани ҳам ушбу ғалабага муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Эркаклар жамоалари ўртасида ўтган мурасасиз баҳсларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган ҳарбий кинологларимиз фахрли биринчи ўринни қўлга киритган. Иккинчи ўринни эса Россия Федерацияси жамоаси ва учинчи ўринни Беларусь вакиллари банд этишди. Томирида Тўмарис қони оқаётган қизларимиз беллашувларнинг дастлабки шартларидан ўз маҳоратларини кўрсатиб, яқунда илк иштирокдаёқ ғалабани қўлга киритган.





# МЕҲМОНДЎСТЛИК



III darajali serjant Olim BERDIYEV

Аёллар жамоамиз аъзоси оддий аскар Диёра Валижонова 300 метр масофадаги тўсиқларни хизмат ити билан енгиб ўтиш йўлагига рекорд ўрнатган. Ирода Олимова эса АК-74 кичик калибрли спорт қуроли билан «Моҳир ўқчи» йўналишида нишонларни йўқ қилиш бўйича 132 балл йиғиб, ўз номига рекордчилар қаторига қўшиб қўйган.

Шундай қилиб, ўтган йили ҳам аёллар ўртасидаги мусобақада биринчи ўринни Ўзбекистон, иккинчи ўринни Россия Федерацияси ва учинчи ўринни Жазоир Халқ Демократик Республикаси жамоалари қўлга киритган.

## МУНОСИБ ЭЪТИРОФ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «АрМИ – 2022» Халқаро армия ўйинлари доирасида ўтказилган «Содиқ дўст» мусобақасининг тантанали ёпилиш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти,

Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Қуролли Кучлар фахрийлари, бир гуруҳ ёшлар, иштирокчи давлатлар мудофаа вазирликларининг масъул офицерлари ва жамоалар аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда бир неча кун давом этган мurosасиз беллашувларда муносиб кураш олиб бориб, ғолибликка эришган ва жамоасига юқори балларни тақдим этган ҳарбий кинологларнинг ғалабали юришлари эътироф этилди.

– Ушбу мусобақада «Патрон» лақабли хизмат итим билан қатнашдим, – дейди Россия Федерацияси ҳарбий жамоаси аъзоси катта лейтенант София Красникова. – Ўзбекистонда биринчи марта бўлишимизга қарамай,

ғалабага эришиш учун астойдил ҳаракат қилдик. Аммо Ўзбекистон жамоасининг бирдамлик руҳи ва интилиши бизникидан устун келиб, ишончли ғалабани таъминлади. Менда нафақат ушбу беллашув, балки халқингизнинг меҳмондўстлиги, миллий таомлари унутилмас таассурот қолдирди.

Тадбир аввалида Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестрининг жанговар мусиқа садолари остида фахрий қоровул, мусобақа ҳакамлари ҳамда иштирокчилар майдонда саф тортишди. Ғолиб ва совриндорлар номи эълон қилиниб, муносиб тақдирланди. Мусобақанинг мутлақ ғолиби – кинологи мутахассисларимиз шоҳсупанинг олий ўрнига кўтарилиб, иккинчи бор Халқаро армия ўйинлари кубогини қабул қилиб олди.

Маросимда сўзга чиққан хорижлик меҳмонлар ғолиб ва совриндорларни қутлади ҳамда меҳмондўст ўзбек халқига самимий миннатдорлик билдирди. Мусобақа ташкилотчилари, мураббийларнинг машаққатли меҳнати, иштирокчиларнинг фидойилиги ҳамда уларнинг ўз мамлакати Қуролли Кучлари шаънини муносиб ҳимоя қилгани, шунингдек, мусобақалар жараёнини тезкор ва холис ёритиб борган оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнати эътироф этилди.

Ҳакамлар ва иштирокчи жамоаларнинг тантанали саф юришидан сўнг маросимнинг бадиий қисми бошланди. Унда Мудофаа вазирлиги Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда бадиий жамоалар, хушовоз хонандалар ижросида катта концерт дастури намойиш этилди. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ушбу тарихий ғалаба билан табриклаймиз!

Лейтенант  
Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»

## # "ArMI – 2022"

Ёш ўғил-қизлар юзидаги порлоқ табассум, аёллардаги ифбатга ўралган фахру ифтихор Халқаро армия ўйинларида ғалаба қозонган ҳарбий хизматчиларнинг неча муддатлик изчил меҳнатлари, оила аъзоларининг садоқати ва сабрлари, улар учун давлат томонидан яратиб берилган имконият ва қулайликлар меваси эди. Марказий ҳарбий округ «Фориш» полигони ана шундай хурсандчиликка шерик бўлишга ошиққан юртдошларимиз билан гавжум. Бу ерда Халқаро армия ўйинлари доирасида ташкил қилиниб якунига етган «Қуролсоз уста», «Дала ошхонаси» ва «Хавфсиз муҳит» мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими, тақдирлаш тантаналари ўтказилаётганди.

## РЕКОРДЛАР ВА



Келинг, шодиёнага йиғилганларни бир оз ўз ҳолларича қолдирайлик-да, бизни кузатиб келаётган муҳтарам ўқувчиларимизга мусобақаларнинг сўнгги босқичлари ҳақида маълумот берайлик.

#### «ҚУРОЛСОЗ УСТА» РЕКОРДЛАР УСТАСИ

Ушбу мусобақанинг сўнгги босқичи «Таъмирлаш взводнинг мажмуавий эстафета»си шартига кўра, дастлаб 15 нафардан иборат ҳарбий хизматчи эстафета кўринишида навбати билан таъмирлаш полигонидаги 5,45 мм.ли АКС-74 автоматини, 7,62 мм.ли ПКМ пулемётини, 40 мм.ли РПГ-7В гранатомётини, 9 мм БЕРЕТТА пистолет-

тини, 122 мм.ли Д-30 гаубицасини, 23 мм.ли ЗУ-23 зенит қурилмасини ва БМ-21 реактив артиллерия қурилмасини тўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш, ушбу қуроллардаги носозликларни аниқлаб бартараф қилиш, шунингдек, ўқотар қуроллардан узоқлиги 600 метр масофадан иборат отиш маррасига югуриб бориб, майдонда пайдо бўлувчи сунъий нишонларни яқсон қилиш ва артиллерия қурилмаларидан пахтавон ўқ-дорилар отиш каби шартларни бажаришди.

Натижаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги терма жамоаси 54 дақиқаю 24 сония натижа билан биринчи, Россия Федерацияси терма жамоаси 1 соат 11 дақиқаю 24 сония натижа билан

иккинчи ўринни эгаллади. Шу билан терма жамоа бешта босқичда бешта биринчи ўрин ва олти рекорд ўрнатишга муваффақ бўлди.

Мусобақа майдони росмана тантана тусига кирди.

#### «ХАВФСИЗ МУҲИТ»ДА ХАВФСИЗ ҒАЛАБА

«Хавфсиз муҳит» мусобақасининг сўнгги – «Эстафета» баҳслари ҳам қизғин кечди. Ушбу босқичнинг шартларига кўра, ҳар бир жамоадан иккитадан экипаж қатнашиб, дастлаб биринчи экипаж айланаси 4 километру 700 метр узунликда тикланган турли тўсиқлардан иборат йўлак бўйлаб ҳаракатланишлари талаб этилди.

Радиацион кимёвий-биологик муҳофазаси бўйича мутахассисликка эга бўлган ҳарбий хизматчилар ҳимоя кийими ва газниқобда даставвал зирҳли техникаларда босиб ўтиш учун мўлжалланган турли сувли тўсиқлар, тик бурилишлар, чуқурлик, баландликларда манёврчанлик билан ҳаракатланиб, ҳайдовчилик маҳоратларини намойиш этишди. Шунингдек, «Пойга йўлагида» иштирокчилар қисқа муддатда зарарланган ҳудуддаги заҳарли модданинг турини аниқлашлари лозим.

Техникаларда амаллар бенуқсон бажарилгач, иштирокчилар «Оловли ишғол» йўлагида ҳаракатларини пиёда давом эттирдилар. Ушбу майдон том маънода жисмоний чидамлилик ва матонатни





# ХАВФСИЗ ҒАЛАБА



Muallif suratga olgan

синовдан ўтказди. Худуд бўйлаб бир-бирдан мураккаб тўсиқларни босиб ўтган иштирокчилар финиш чизиғида ўзларининг кейинги экипаждаги жамоадошларига қуролларидаги ўқдонни узатадилар. Ўқдонни қуролига жойлаган навбатдаги экипажлар зудлик билан баҳсга киришиб, улар ҳам худди шу амалларни такрор бажарган ҳолда финиш чизиғини босиб ўтдилар.

Барча тўсиқларда бенуқсон ҳаракатланган жамоамиз вакиллари марра чизиғини 29 дақиқаю 59 сонияда кесиб ўтиб, мутлақ ғалабага лойиқ эканликларини исботлади. Умумий натижаларга кўра, иккинчи ўринни Россия ва Беларусь жамоалари, учинчи ўринни Хитой ва Вьетнам жамоалари банд этди.

«Фориш» тоғ полигонидан тантаналарга қайтадиган бўлсак, унда Мудофаа вазирлиги масъул мутасаддилари, ҳарбий округ бошқарув аппарати офицерлари, Қуролли Кучлар фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир аввалида Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий оркестрининг жанговар мусиқа садолари остида фахрий қоровул, мусобақа ҳакамлари ҳамда иштирокчилар майдонда саф тортишди. Мусобақалар ғолиб ва совриндорлари эълон қилиниб, тақдирлаш маросими бошланди.

Дастлаб, «Қуролсиз уста» баҳсларида муносиб кураш олиб бориб, ғолиб-

ликка эришган ва жамоасига юқори балларни тақдим қилган мутахассислар тақдирланди. Таъкидлаш керакки, мазкур мусобақада Ўзбекистон жамоаси биринчиликни, Россия жамоаси эса иккинчи ўринни қўлга киритди.

«Дала ошхонаси» танловида ҳам қатор номинациялар бўйича ғолиблар эълон қилинди. Барча шартларда тўпланган умумий баллар бўйича Ўзбекистон жамоаси мутлақ ғолиб, деб топилди. Иккинчи ўринни Россия Федерацияси эгаллаган бўлса, учинчи ўрин Беларусь жамоасига насиб этди. Мутлақ ғолиб – ҳарбий ошпазларимиз шоҳсупанинг олий поғонасига кўтарилиб, иккинчи бор кубокни қабул қилиб олди.

Шундан сўнг Самарқанд вилоятидаги «Сазаган» полигонидан «Хавфсиз

муҳит» мусобақасида дунёнинг турли давлатларидан келган иштирокчилар билан беллашиб, биринчиликни қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда бошқа совриндорлар тақдирланди.

Сўзга чиққан хорижлик меҳмонлар ғолиб ва совриндорларни қутлаб, меҳмондўст ўзбек халқида самимий миннатдорлик билдирди. Ҳакамлар ва иштирокчи жамоаларнинг тантанали саф юришидан сўнг маросимнинг бадиий қисми бошланди. Ҳарбий ва маҳаллий санъаткорлар ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,**  
**«Vatanparvar»**



# "ArMI – 2022"

# МУНОСИБ РАҚИБЛАР

«Фориш» полигони. Ўтган ҳафта бу ерда бир неча бор музаффарият ҳайқириқлари янгради. Юртдошларимиз ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатиб, рекорд натижаларни қайд этдилар.

# ВА

# ҒОЛИБ ЖАМОА



Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида етарлича ёритилди. Шундай бўлса-да, баъзи бир кузатишларим ҳақида айтиб ўтишни лозим топдим. Бир оила билан танишиб қолдим. Дастлаб кўнглимдан кечганлари шундай бўлди: ҳарбий хизматчиларга қандай алоқаси бор экан?

– Ўғлингиз мусобақада қатнаш-яптими? – илк саволим шундай бўлди.  
– Йўқ, бизни бугунги тадбирга мудофаа вазири тақлиф қилганлар. Ростки, бу жавобдан ажабландим. Ҳайрон қолганимни кўриб, Зулфия опа сўзида давом этди:

– Яқинда Хива шаҳрида бўлиб ўтган тадбирда чиқишларимизни кўриб, бизни бу ерга тақлиф қилдилар. «Сайқал» халқ этнографик оилавий ансамблимиз бор. 2013 йилда Халқ этнографик оилавий ансамбли мақомини олганмиз. Турмуш ўртоғим Бердибой Шерметов билан бир неча йиллик меҳнатларимиз маҳсули, бу ансамбль. Фазилят қизим халфа. Гармонда халқ кўшиқларини ижро этади. Сабоҳат қизимиз қайроқчи. Набираларим Соҳиба ва Сарвиноз ҳам Хоразм халқ кўшиқлари, рақсларини усталик билан ижро этадилар. Қисқаси, биз Халқаро армия ўйинлари иштирокчиларини Хива шаҳри номидан қутлашга келдик.

Ҳа, дарҳақиқат, гўзал чиқиш бўлди: халқона, кўнгилларга яқин.

Шу куни Вьетнам Социалистик Республикасидан келган иштирокчилар кучоқларида кичкинтой болалар билан ўтирганларини кўрдим. Оилалари билан келдимикан, деб ўйлабман. Йўқ, ўзимизнинг болаларимиз экан. Ўйлайсизки, маҳаллий аҳолидан бирортаси вьетнам тилини билади ёки



улардан бири ўзбек тилини билади. Ҳар иккиси ҳам эмас. Гўдаклар битта тилни яхши тушунади: бу меҳр-шафқат, муҳаббат тили!

Аёлман, онаман, буларни кўриб, бизнинг майдонларда ҳамини байрамона тарзда, адоватсиз, ажал қуролларисиз, дўстона бир тарзда, куй-қўшиқлар билан, табассумга сабаб бўладиган гўдаклар муҳаббати эшлигида беллашсинлар, дея тилак тиладим.

## МЕНИНГ ЖАМОАМ

«Дала ошхонаси» мусобақаси якунларида ўзбек ҳарбий ошпазлари энг юксак натижалар билан ғолиб бўлдилар. Ҳамкасбимиз ёнимга келиб: «Опа, жамоангизнинг ғалабаси билан табриклайман!» деди. Севинчим зиёда бўлди. Ғолибларга дахлдор эканлигимни шу лаҳзаларда теранроқ ҳис қилдим.

Ҳарбий ошпазларимизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларини, жон куйдириб ишлашларини биз ҳам ҳаяжон билан кузатдик. Ахир рақибларга нописанд қараб бўлмади-да. Ҳаммаси ҳам ўз ишининг устаси эканлигини кўрдик. Муносиб майдон, муносиб рақиблар! Ғолиб бўлиш осон эмас бу майдонда.

Келинг, ғолибларни тинглайлик, бугун улар сўзласин.

## III даражали сержант Маъмурбек МАМАРАСУЛОВ:

– Бу соҳада хизмат қилаётганимга ҳам анча йиллар бўлди. 2016 йилда бир ойлик ошпазлар малакасини ошириш курсида ўқидим. Бу каби мусобақаларда қатнашишни ҳар бир ҳарбий хизматчи орзу қилади, деб ўйлайман. Жиддий тайёргарлик кўрдик, бизга билдирилган ишонччи оқлашга астойдил интилдик. Ҳозир Қуролли Кучларимиз ошхонаси миллий таомлар билан бойиган. Мусобақа шартлари бўйича тайёрлайдиган таомларимиз эса Европа ошхонасига хос. Беларусь, россиялик рақибларимиз учун болаликдан таниш, қадрдон таомларни тайёрлаш уларга бирмунча енгиллик беради. Беллашувнинг мураккаблиги ҳам шунда.

## Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Бахтишод МЕЙЛИЕВ:

– Кичик мутахассислар курсида қандолат маҳсулотлари тайёрлаш ўргатилмади. Мусобақада эса айнан шу шарт янгилик сифатида киритилган. Аслида қандолатчиликни ўрганиш мураккаб эмас, деб биламан. Аммо дала шароитида... Бироқ «Қаловини топсанг, қор ёнади», деган доно халқимиз. Ҳозир ижтимоий тармоқлар бу борада жуда яхши кўмакчи. Изландик, уриниб кўрдик, муваффақиятсиз уринишлардан тушкунликка туш-

масдан яна ҳаракат қилдик. Ва ўта мураккаб бўлган шартни қойиллатиб удаладик! Бунинг учун устозларим кичик сержантлар – Нодирбек Жўраев, Бехзод Каримовдан миннатдорман.

## Кичик сержант Шерзодбек МЕЛИҚЎЗИЕВ:

– Ҳарбий ошпазларнинг ғалабасида менинг ҳам камтарона ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Ҳа, тўққиз ўғлон, тўққиз баҳодир бу зафарни юртга туҳфа этдилар.

– Баҳолаш жуда мураккаб кечди, – дейди биз билан суҳбатда мусобақанинг бош ҳақами подполковник Санъатжон Ҳошимов. – Битта шартни ўндан зиёд мезон бўйича баҳолаш лозим бўлди. Ҳеч кимга ён босмадик, мусобақа ҳалол, адолатли ўтди.

Биз бу фикрга қўшилаемиз. Чунки ҳар бир жамоанинг ошхонасида «қўринмас назоратчи» – кузатув камералари ўрнатилган бўлиб, баҳсли ўринларда камера ёзувлари ёрдамга келади. Бунинг мусобақа арбитри тиббий хизмат майори Мақсуда Яралова кузатиб борди.

Сўзимни шу ерда мухтасар қиламан. Тинчлик бўлсин, йигитлар мусаффо осмон остида беллашсинлар, музаффарона ҳайқириқлар билан халқимизга севинчи хабарларни муждаласинлар!

Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАЛАРИНИНГ «АРМИ – 2022»  
ХАЛҚАРО АРМИЯ ҲАЙДОҚЧИЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ

Ж А Д В А Л И



ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР



ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР



ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР



2022



# ҲАРАКАТ,

Мана, бир неча кунлардан бери дунё эътиборида бўлиб турган Халқаро армия ўйинлари ҳам ўз ниҳоясига етди. Биз Ўзбекистон ҳарбийларининг оғир ва машаққатли мусобақалардаги юқори натижаларини ўз кўзимиз билан кўрдик, сеvindик, аммо бу ютуқлар ортидаги йиллар давомида орттирилган тажриба ва билим, ҳаракат ва меҳнатни тўла ҳис қилганимизча йўқ.

Гапнинг дангали шуки, ўтган йиллар давомида юқори минбарлару баланд шохсупалар, олтину кумуш медаллар ўзбек ҳарбийларининг кўксини бемалол танийдиган бўлди. Байроғимиз кўша-кўша юксакларда ҳилпиради. Бу йил ҳам дунё аҳли ўзбекнинг шонли ғалабаларига такрор гувоҳ бўлди.

Шиддатли ва мурасасиз кечган «АрМИ – 2022» Халқаро армия ўйинларида вакилларимиз муносиб иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди ва Амир Темуру, Жалолиддин Мангуберди, Темуру Малик, Мирзо Бобур каби аждодларимиз мартабасини янада юксалтирди. Бу йил VIII Халқаро армия ўйин-

лари 37 та давлатнинг 257 та жамоасини бир сафда жамлади. Мазкур мусобақада вакилларимиз Ўзбекистон армиясининг куч-қудрати, ҳарбий хизматчиларимизнинг жанговар шайлигини, бир сўз билан айтганда, ўз касбининг ҳақиқий усталари эканини намоён эта олди. Хусусан, ғалабали юришлар, рекорд натижалар ва ғолиблик шохсупалари бунинг ёрқин мисолидир. 12 та давлат ҳудудида ўтказилган армия ўйинларида 37 та давлат орасида мамлакатимиз байроғи энг юқорига кўтарилиб, мадҳиямиз такрор ва такрор янгради.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги терма жамоаси бу йилги мусобақаларнинг 21 та йўналишида қатнашиб, 5 тасига мезбонлик қилди.

Хусусан, Жиззах вилоятида жойлашган Марказий ҳарбий округнинг «Фориш» полигонидида «Қуролсоз уста» ва «Дала ошхонаси», Самарқанд вилоятидаги «Сазаган» полигонидида эса «Хавфсиз муҳит», Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда «Йўл патрули» ва Тошкент вилоятидаги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида «Содиқ дўст» мусобақалари ўтказилди.

Халқаро майдонда бир неча кун давомида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоаси Россия Федерациясида «Эльбрус ҳалқаси», «Автозирхли танк-техника устаси», «Қўшинлар разведкаси аълочиси», «Танк биатлони», «Ҳарбий-тиббий эстафета», «Ҳарбий ралли», «Муҳандис формуласи», Мўғулистонда «Отлиқ марафон», Беларус Республикасида «Ишончли қабул» ва «Қутб юлдузи», Қозоғистонда «Армия тактик ўқчиси» ва «Меридиан», Венесуэлада «Мерганлар марраси», Жазoirда «Десант взводи» ҳамда Эронда «Профессионал мерган» мусобақаларида баҳс олиб борди.

Мазкур беллашувларга белгиланган вақтда етиб борган Ўзбекистон терма жамоаси муҳим тайёргарликлардан сўнг Россия, Хитой, Беларус, Эрон, Абхазия, Арманистон, Озарбайжон, Вьетнам, Ҳиндистон, Боливия, Венесуэла, Камерун, Зимбабве, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон каби ўнлаб давлатлар билан ўзаро куч синашди.

Эътиборингизни якуний натижаларга қаратсак:

«Автозирхли танк-техника устаси» мусобақасида ҳамюртларимиз





# МУВАФФАҚИЯТ, ЗАВҚ...


кучли учликдан жой олган бўлса, «Эльбрус ҳалқаси», «Қўшинлар разведкаси аълочиси», «Ҳарбий-тиббий эстафета», «Ҳарбий ралли», «Муҳандис формуласи» йўналишларида 2-ўринни қўлга киритди. Аҳамиятлиси, «Қўшинлар разведкаси аълочиси» мусобақасини юртдошларимиз 3 та рекорд натижалар билан яқунлади.

Ғалабали юришларда давом этган терма жамоамиз аъзолари «Эльбрус ҳалқаси» беллашувларида бир эмас, иккита рекорд натижани ҳисобимизга ёзиб қўйди.

Таъкидлаш керакки, армия ўйинларининг нуфузли мусобақаларидан бири бу «Танк биатлони»дир. Вакилларимиз энг кучли жамоаларни ўзида бирлаштирган мазкур мусобақанинг биринчи дивизионида мурасиз кураш олиб борди. Кенг курашлар остидаги баҳсларда финалгача борган танкчиларимиз 4-ўринни қайд этди.

Беларусь Республикасидаги «Ишончли қабул» ва «Қутб юлдузи» мусобақаларида ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилган жамоамиз аъзолари ўз олдида қўйилган топшириқ ва вазифаларни маҳорат билан уддалади ва 10 дан ортиқ давлат орасида ҳар икки йўналишда, шунингдек, Мўғулистондаги «Отлиқ марафон» ва Жазоирдаги «Десант взводи» мусобақаларида





фахри 2-ўринни эгаллади. Эрондаги «Профессионал мерган», Қозоғистондаги «Армия тактик ўқчиси» ва «Меридиан» мусобақаларининг қизғин баҳслари якунида эса вакилларимиз умумжамоа ҳисобида 3-ўринга лойиқ топилди.

Қувонарлиси, Венесуэладаги 4 босқичли, 10 дан ортиқ шартни ўз ичига олган «Мерганлар марраси» мусобақасида шохсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин олган ўзбекистонлик ҳарбийлар 10 га яқин давлатни ортда қолдириб, 1-ўринга сазовор бўлди.

Бир сўз билан айтганда, ғалабали юришларда давом этган Мудофаа вазирлиги терма жамоаси аъзолари Ўзбекистон армиясининг куч-қудратию, ҳарбий хизматчиларнинг билим-салоҳиятини дунё мамлакатларига амалда кўрсатиб қўйди.

Хусусан, вакилларимиз Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда ўтказилган «Йўл патрули», Жиззах вилоятидаги «Фориш» полигониди бўлиб ўтган «Қуролсоз уста» ва «Дала ош-хонаси» ҳамда Самарқанд вилоятида жойлашган «Сазаган» полигонидидаги «Хавфсиз муҳит», Тошкент вилоятидаги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ўтказилган «Содиқ дўст» мусобақаларида биринчиликни қўлдан бой бермади. «Содиқ дўст» беллашувларида ҳисобимизга 1 та рекорд натижа ёзилган бўлса, «Қуролсоз уста»ларимиз бир эмас, нақд 5 та рекорд натижани қайд этди.

Айтиш керакки, дунё армияларининг энг кучли жамоалари ўзаро кураш олиб борган «АрМИ – 2022» Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон ҳар қачонгидан-да юқори натижаларни қайд этгани миллий армиямизда амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг самарасидир.


Хулоса қиладиган бўлсак, 37 та давлатнинг 257 та жамоаси иштирок этган VIII Халқаро армия ўйинлари якунида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллаб, 7 та олтин, 10 та кумуш ва 5 та бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, 22 та шахсий ва жамоавий рекорд натижани ҳам қайд этиб, давлатимиз ва халқимиз учун улуг айём – Истиқлолимизнинг 31 йиллигига муносиб тўхфа қилди.



Катта лейтенант Бобур ЭЛМУРОДОВ,  
лейтенант Ислонжон ҚЎЧҚОРОВ



# Tuhfa




Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллик байрамига тухфа сифатида «Нукус» умумқўшин полигонига артиллерия оловини бошқаришга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида артиллерия қўмондонлик пункти мажмуаси фойдаланишга топширилди.

# ЯНГИ ОБЪЕКТ Фойдаланишга топширилди

Янги объектнинг очилиш маросимида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Нукус ҳарбий прокуратураси раҳбарияти, артиллерия мутахассислари иштирок этди. Сўзга чиққанлар мамлакатимиз Қуролли Кучларини жадал ривожлантириш, ҳарбий хизматчиларнинг касбий малака ва соҳа бўйича маҳоратини янада ошириш мақсадида қўшинларда ўқув-моддий базани такомиллаштириш, замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан бутлаш, машғулотларга ахборот-коммуникация воситаларини кенг жорий этишда катта ютуқларга эришилаётганини таъкидлади.

Замонавий ўқув жойлари ва тренажёрлари, жанговар тайёргарлик объектларида соҳа сирларини пухта ўзлаштираётган юртимиз ҳимоячилари мамлакат мудофаа салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшиши билан бирга халқаро миқёсдаги мусобақаларда ҳам етакчи хорижий армиялар билан тенгма-тенг баҳслашаётгани эътироф этилди.

Янги барпо этилган мажмуа майдон кузатуви ва бўлинмаларнинг ҳаракатини бошқаришга қулай бўлиши учун олдиндан мавжуд бўлган 65 метрлик тепалик устида



қурилди. Артиллерия ва умумқўшин бўлинмалари жангини ҳамда артиллерия оловини бошқариш, артиллерия олови йўналтирувчилари ҳамда учувчисиз учиш аппаратлари йўриқчилари иш фаолиятини ташкил этиш учун мўлжалланган мажмуа таркибидан икки қаватли артиллерия қўмондонлик пункти ва ертўладаги артиллерия кузатув пункти объектлари жой олган. Кузатиш мосламаларисиз 8-10 километр очиқ майдонни бемалол кузатиш имконини берувчи ушбу мажмуа ҳарбий хизматчиларни иқлим инжиқликларидан асраб, артиллериячиларнинг жангни яширин тарзда бошқариш учун кенг қулайликлар яратади.

Дивизион ва батарея кузатув пункти шартли душман жойлашган жойни ҳамда ажратилган ҳудудни разведка қилиш, бўлинмалар ўтли зарбаси ва манёврини бошқариш, умумқўшин бўлинмалар ҳаракатини кузатиш ва бошқа бўлинмалар билан ҳамкорликни ушлаб туриш каби вазифалар учун мўлжалланган. Унда артиллерия дивизиони ва батарея қўмондонлиги жойлашиб, жангни ташкил этиш ҳамда олиб боришни амалга оширади.

Икки қаватдан иборат бўлган артиллерия қўмондонлик пунктининг юқори қисмида майдон кузатувини амалга ошириш учун ёпиқ жой ва артиллерия бўлинмалари билан оловни бошқариш

бўйича машқларни ташкил этиш, ўқув-жанговар ҳаракатларни режалаштириш ва назорат қилиш учун машғулот хонаси мавжуд. Бино олдида яратилган ҳудуднинг кичрайтирилган макети артиллерия қурилмаларидан ўт очишни режалаштириш ва оловни бошқаришга қўшимча равишда ёрдам беради. Мажмуа таркибида санитар тизим ҳамда техникаларнинг вақтинча тураржойи ҳам ўрин олган.

Тадбир давомида мазкур мажмуанинг яратилишида жонбозлик кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар округ қўшинлари қўмондонлиги томонидан муносиб рағбатлантирилди.



# "Men g'olib!"



Мудофаа вазирлиги миқёсида Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан «Армия биатлони», «Қўл жанги» ва «10 км масофага ярим марафон югуриш» чемпионатлари ўтказилди.

# ЭПЧИЛ, ПОЛВОН,



Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳини ошириш, чидамлик, эпчиллик сифатларини янада ривожлантириш, қўшин турлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу чемпионатлар «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз» деган бош ғояни ўзида мужассам этган «Men g'olib!» шиори остида ўтказилди. Унда Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий округ ва бирлашма, марказга бўйсунувчи ҳарбий қисм ва муассасалар ҳарбий хизматчилари ўзаро куч синашди.

## АРМИЯ БИАТЛОНИ

Тошкент ҳарбий округининг «Чирчиқ» умумқўшин дала-ўқув майдонида ўтказилган «Армия биатлони» чемпионатида 18 та жамоа беллашди.

– «Армия биатлони» чемпионати ҳарбий қисм ва муассасаларда босқичма-босқич ўтказилиб, Ватан ҳимоячиларининг жанговар тайёргарлигини оширишда энг муҳим спорт турларидан бири ҳисобланади, – дейди подполковник Давлат Ваҳобов. – Уч нафар ҳарбий хизматчидан иборат жамоалар 3 километрлик масофага қурол ва газниқоб билан югуриш давомида энгил атлетика тўсиқларини энгиб ўтиш, ўқ отиш, пичоқ улоқтириш, 6 метрли арқонга осилиб чиқиб, юқори қисмидаги карабинга қўлини теккизиб тушиш, 40 метрлик нишонга граната улоқтириш

машқларини бажарди. Аини жараёнда ўтган йилгидан янги рекорд натижалар қайд этилди. Мазкур беллашув юрт посбонларининг барча жисмоний сифатларини ривожлантиришни ўз ичига олган бўлиб, чаққонлик, чидамлик, эпчиллик, қатъиятлилик ҳамда мерганлик қобилиятларини қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Қизгин ва мурасимсиз кечган мусобақанинг якуний натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади. Жанубий оператив қўмондонлик ҳамда Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги вакиллари 2- ва 3-ўринларни қўлга киритди. Яққалик баҳсларда эса кичик сержант Бекзод Тошпўлатов (ЖФМҲО) 1-ўринга сазовор бўлди. Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Улуғбек Шермуродов (ЖОҚ) 2-ўрин, кичик сержант Илёс Элмуродов (ТОҚҚҚ) 3-ўринни банд этди.

## ҚЎЛ ЖАНГИДА МОҲИРЛАР

Шиддатли баҳсларга бой тарзда ўтган «Қўл жанги» чемпионати амалда қўлланилаётган қоидаларга асосан олимпия тизимида ўтказилди. 57, 62, 67, 73, 80, 88, 97 кг.гача ҳамда 97 кг.дан ортиқ вазн тоифасида гиламга тушган полвонларнинг ҳар бири рақиби билан 5 дақиқа жанг олиб борди. Чемпионатнинг якуний натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида фахрли 1-ўринни Тошкент ҳарбий округи



# ЧОПАҒОНЛАР БАҲСИ

жамоаси эгаллади. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ вакиллари 2- ва Шимоли-ғарбий ҳарбий округ жамоасига 3-ўрин насиб этди.

Якка тартибдаги беллашувларда 57 кг.гача вазн тоифасида ТҲО спорт взводи спортчиси муддатли ҳарбий хизматчи оддий аскар Отабек Бобобеков, 62 кг.гача вазнда ШҲО спорт взводи спортчиси контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Фаррух Тўхтасинов, 67 килогача вазн тоифасида ЖҒМҲО гуруҳ мутахассиси контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Темурмалик Мамадалиев 1-ўринни қўлга киритди. Кичик сержант Азиз Абдуллаев (ТОҚҚҚ) 73 кг вазн тоифасида, контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Отабек Қодиров (ЖҒМҲО) 80 кг вазн тоифасида ғолиб бўлди. 88 ва 97 кг.гача ҳамда 97 кг.дан ортиқ вазн тоифаларида эса Тошкент ҳарбий округида жойлашган ҳарбий қисм мутахассислари – III даражали сержант Шерали Мухаммадинов, контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Лутфулло Омонов ва кичик сержант Сергей Қурбонов рақибларига имкон қолдирмай, тенгсиз деб топилди.

## ЧОПАҒОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

«10 км масофага ярим марафон югуриш» чемпионатининг старт нуқтаси Қуролли Кучлар академиясининг ўқув жараёни таъминлаш базасидан бошланиб, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик

билим юртигача бўлган манзилда якунланди. Беллашув низомига кўра, ушбу марафонда ҳар бир жамоадан 5 нафар ҳарбий хизматчи қатнашиб, шундан бир нафарини аёллар ташкил этди. Мусобақага уюшмаган ёшлар, фахрийлар ҳам жалб этилгани соғлом турмуш тарзини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишга хизмат қилди.

Финиш жойигача югуриш йўналишида иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун Чирчиқ ҳарбий автомобиль назорати ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда назорат тадбирлари белгиланди. Югуриш масофаси бўйлаб бурилиш ишорасини кўрсатувчи йўл белгилари, сув, тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари шай ҳолатга келтирилди.

Эркаклар ўртасида ЖҒМҲО спорт взводи катта йўриқчи-спортчиси кичик сержант Шоҳрух Давлатов биринчи бўлиб финиш маррасини босиб ўтди. Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Майрамхон Тожибоева (МВ марказий алоқа таъминоти бўлими) ярим марафоннинг аёллар ўртасидаги мутлақ ғолиби бўлди.

Чемпионатларнинг тантанали ёпилиш маросимида умумжамоа ҳисобида фахрли ўринни эгаллаган жамоалар ҳамда ҳарбий хизматчилар кубок, медаль, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.



III dаражали сержант Olim BERDIYEV

Лейтенант Дилшод РЎЗИКУЛОВ,  
«Vatanparvar»

## # Barhayot tuyg'u

# “QAHRAMONLAR NOMI BARHAYOT”

Mustaqilligimizning 31 yilligi munosabati bilan yurt himoyachilari tomonidan turli ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar, Vatan tinchligi yo'lida mardonavor xizmat qilgan harbiy xizmatchilarning xonadonlari va ta'lim maskanlariga tashriflar uyushtirilmoqda.

Yaqinda Mudofaa vazirligi huzuridagi Jamoatchilik kengashi Qashqadaryo viloyati hududiy bo'limi yetakchi mutaxassislari, Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug faxriylar kengashi a'zolari Havo hujumidan mudofaa qo'shinlari va Harbiy havo kuchlari qo'mondonligi tasarrufidagi Xonobod garnizonida joylashgan harbiy qismlar targ'ibot guruhi a'zolari bilan birga sarhadlarimiz daxsizligini ta'minlash chog'ida qahramonlarcha halok bo'lgan serjant Otabek Muhammadiyev va harbiy uchuvchi katta leytenant Narimon Abkelyamovlarning tug'ilib o'sgan qishlog'i va ularning byusti o'rnatilgan maktablarda bo'lishdi.

Dastlab mehmonlar Shahrisabz shahridagi Narimon Abkelyamov ta'lim olgan 3-umumta'lim maktabida bo'lib, uning byusti poyiga gullar qo'yib,



hurmat bajo keltirishdi. So'ngra Otabek Muhammadiyev tug'ilib o'sgan Kitob tumanining Ochamayli qishlog'idagi qahramonning ta'lim olgan maktabiga o'rnatilgan byusti poyiga uning porloq xotirasi uchun gulchambarlar qo'yildi. Qishloq ahliga, qahramonning yaqinlariga shunday farzandni ulg'aytirib, yurt himoyasiga, xalqning joniga qalqon qilib yetishtirib bergani uchun minnatdorlik bildirildi.

Shu kuni ikki Vatan o'g'lonining maktablarida uning yaqinlari, ustozlari hamda faxriylar bilan qahramonlarning bosib o'tgan yo'li, qilgan jasorati to'g'risida "Qahramonlar nomi barhayot" mavzusida davra suhbatlari va uchrashuvlar ham o'tkazildi.

**Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug matbuot xizmati**

## # Musobaqa

# SPORT -

So'nggi yillarda mamlakatimizda aholini ommaviy sport turlariga keng jalb qilish, fuqarolarning sog'lom turmush ko'rsatkichlarini oshirish hamda aholining salomatligini saqlash va yaxshilash, sog'lom avlod tarbiyasi uchun shart-sharoitlar yaratish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi.

Shu maqsadda O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi organlarida xizmat qilayotgan prokuror-tergov xodimlarining salomatligini mustahkamlash, ularni sog'lom turmush tarziga jalb qilish hamda sportning ustuvor turlari ommaviylikini oshirish maqsadida muntazam ravishda

## SOG'LIQ GAROVI



turli sport musobaqalari o'tkazib kelinmoqda.

Jumladan, Respublika Harbiy prokuraturasi organlarida xizmat qilayotgan xodimlar o'rtasida sportning badminton, shaxmat, shashka turlari bo'yicha "O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokurori kubogi" musobaqasi

tashkil etilib, unda prokuratura organlarining tezkor va texnik xodimlari ishtirok etishdi.

Qiziqarli va murosasiz kechgan bahslarda g'oliblikni qo'lga kiritgan ishtirokchilar Bosh prokuror o'rinbosari - Harbiy prokuror Shuxrat Uzakov tomonidan munosib taqdirlandi.

Harbiy prokuratura organlari tomonidan sog'lom turmush tarzini targ'ib qilishga qaratilgan bu kabi tadbirlar sportning boshqa turlari bo'yicha ham davom ettirilmoqda.

**Adliya podpolkovnigi  
Sardorbek YORMATOV,  
O'zbekiston Respublikasi  
Harbiy prokurorining yordamchisi**

# Davra suhbat

## JINOYATLAR OLDINI OLIH VA INTIZOMNI MUSTAHKAMLASH YO'LIDA

Toshkent harbiy prokuraturasi tomonidan Toshkent harbiy sudi bilan hamkorlikda Shayxontohur tumani Qo'riqlash bo'limi shaxsiy tarkibi ishtirokida "Jinoyat va huquqbuzarlikning oldini olish, xizmat intizomini mustahkamlash" mavzusida davra suhbat o'tkazildi.



tadbirlari xususida ma'lumotlar olib, basharti xizmatda yoki hayotda bu kabi holatlarga duch kelgan taqdirda, bunga zudlik bilan munosabat bildirib, tegishli idora yoki vakolatli organlarga murojaat qilishlari lozimligi tushuntirildi.

Adliya podpolkovnigi Alisher QURBONOV,  
Toshkent harbiy prokurorining yordamchisi

Unda Toshkent harbiy prokurorining yordamchisi Nodir Ibragimov hamda Toshkent harbiy sudi raisi Jamshid Rahmonov ishtirok etib, harbiy xizmatchilarga mavzu bo'yicha tushunchalar berishdi.

Ma'ruzalar davomida yig'ilganlar bugungi kunda davlatimiz tomonidan korrupsiyaga qarshi kurashish va uning oldini olish borasida amalga oshirilayotgan keng ko'lamli islohotlar, mamlakat istiqboli va yurt ravnaqiga muhim g'ov bo'luvchi korrupsion holatlarga barham berish chora-

# Tanlov

## SAHNADA VATAN MADHI

Mudofaa vazirligiga qarashli Toshkent shahrida joylashgan harbiy qismlarning birida "Yangi O'zbekistonda el aziz, inson aziz" shiori ostida "Vatan madhi" deb nomlangan ijodiy ko'rik-tanlovning qo'mondonlik bosqichi bo'lib o'tdi.



Vatanimiz mustaqilligining 31 yilligiga bag'ishlangan ushbu tanlov yoshlarning teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishini oshirish, iste'dodini yuzaga chiqarish bo'yicha besh tashabbus ijrosini ta'minlash maqsadida o'tkazildi. Unda ishtirokchilar qo'shiq aytish, cholg'u asboblari kuy chalish, raqs va she'r aytish yo'nalishida bellashdi.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, Mudofaa vazirligi Markaziy ashula va raqs ansambli xodimlaridan iborat hakamlar hay'ati ishtirokchilarni odilona baholashda

ijro mahorati, tanlangan kompozitsiya hamda sahna madaniyatiga alohida e'tibor qaratdi.

Respublikamizning turli hududlaridagi harbiy qismlar bilan videokonferens-aloqa shaklida o'tkazilgan tadbirda harbiy xizmatchilar tomonidan tayyorlangan raqs, cholg'u asboblari chalingan kuy, she'rxonlik hamda mahorat bilan ijro etilgan qo'shiqlar barchaga ko'tarinki kayfiyat ulashdi.

Tanlovning yakuniy natijalariga ko'ra, "Qo'shiq kuylash" yo'nalishi bo'yicha kichik serjant Isaboy Turemurodov g'olib deb topildi. "Cholg'u asboblari kuy chalish" yo'nalishida esa kichik serjant Sarvar Ahmedov 1-o'rinni egallagan bo'lsa, "Raqs" shartida kichik serjant Muxtasam Akmalovga teng keladigani topilmadi. "She'r aytish" yo'nalishidagi shiddatli va murossasiz kechgan bellashuvlarda kichik serjant Bekzod Yo'ldosh muvaffaqiyatga erishdi.

Tadбир so'ngida ko'rik-tanlov g'oliblariga diplom va qimmatbaho sovg'alar tantanali ravishda topshirildi.

Mayor Farruxbek SOTVOLDIYEV

# Yig'in

## "VATAN TAYANCHI" – YURTGA KO'MAKCHI

O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi majlislar zalida "Vatan tayanchi" bolalar va o'smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati huzuridagi Vasiylik kengashi va hududiy muvofiqlashtiruvchi kengashlarning tashkiliy yig'ilishi bo'lib o'tdi.



Muallif suralga olgan

Videokonferens-aloqa tarzida o'tkazilgan tadbirda harakat rahbari polkovnik Bahrom Zulfiqorov vazifalarni amalga oshirish mexanizmlari xususida ma'lumot berdi.

– Prezidentimizning 2022-yil 2-martdagi 150-sonli qaroriga asosan, Mudofaa vazirligi huzurida "Vatan tayanchi" bolalar va o'smirlar harbiy-vatanparvarlik harakati faoliyati tashkil etildi, – deydi

polkovnik Zohidjon Isakov. – Ushbu harakatni tashkil etishdan ko'zlangan maqsad mamlakatimizda amalga oshirilayotgan yoshlar siyosatini izchil davom ettirish, yosh avlodni vatanparvarlik, milliy qadriyatlar, an'analarimizga hurmat ruhida tarbiyalash hamda ma'nana va jismonan yetuk qilib kamol toptirishdan iborat. Yig'ilishda ushbu harakat faoliyatini samarali yo'lga qo'yish, qisqa fursatlarda umumta'lim maktablarida "Vatan tayanchi" otryadlarini tashkil etish, ta'minot hamda mas'ul mutaxassislarning malakasini oshirish masalalari muhokama qilindi.

"Vatan tayanchi" bolalar va o'smirlar harbiy-vatanparvarlik harakatiga davlat umumta'lim maktablarining 10-11-sinf o'quvchilari orasidan 20 nafar eng saralari tanlab olinib, otryadlar tashkil etiladi. Saralab olish jarayoni bo'yicha nizom va mezon ishlab chiqilgan. Mazkur otryadlarga maktablarda faoliyat yuritayotgan chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani o'qituvchilari rahbarlik qiladi. Ushbu otryad a'zolari qolgan sinfdoshlariga, nogironligi bo'lgan shaxslarga, ijtimoiy yordamga muhtoj insonlarga ko'maklashadi.

Sherzod SHARIPOV,  
"Vatanparvar"

# Ayyom shukuhi

## HARBIYLAR OILALAR E'TIBORDA

Toshkent harbiy okrugi qo'shinlari qo'mondonligida Vatan tinchligi yo'lida mardonavor kurashib, jasorat ko'rsatgan bir guruh marhum harbiy xizmatchilarning farzandlari mustaqillik bayrami bilan samimiy qutlandi.



O'zbekiston mustaqilligining 31 yilligi munosabati bilan "Yangi O'zbekistonda el aziz, inson aziz" shior ostida tashkil etilgan tadbirda Toshkent harbiy okrugi qo'shinlari qo'mondoni barchani qutlug' ayyom bilan tabriklab, fidoyilik va mardlik namunasini ko'rsatgan bir guruh harbiy xizmatchilarning farzandlariga esdalik sovg'alar topshirdi. Bayramona sovg'alarni olgan yoshlar o'z otasi bilan faxrlanib, kelajakda ularga munosib yetuk farzand bo'lishini ta'kidladi.



Tantanali tadbirda xushovoz xonandalarning musiqiy chiqishlari barchaning ko'nglini xushnud etdi. Shu kuni shonli sana munosabati bilan Toshkent harbiy okrugi bo'ylab 33 nafar marhum harbiy xizmatchining oila a'zolari, shuningdek, harbiylarning nogironligi bor farzandlariga sovg'a-salomlar yetkazildi. Ushbu xayrli an'ana davom etmoqda.

Toshkent harbiy okrugi matbuot xizmati



# Xotira

# ШОГИРДЛАР ҚАЛБИДА БАРҲАЁТ УСТОЗ



Узоқ йиллар давомида давлат чегараларини кўриклаш ишига камарбаста бўлиб, ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшган меҳрибон устоз, веназир ва камтарин инсон, генерал-майор Абдуллажон Ортиқбоев ўз ҳаётини Ватан тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек шарафли ҳамда масъулиятли касбга бағишлаган фидойи инсонлардан бири эди.

1925 йил 25 сентябрда таваллуд топган қаҳрамонимиз, 1943 йилнинг феврида 18 ёшида ҳарбий хизматга чақирилади. У Туркистон ҳарбий округи 368-чи Самарқанд ўқчилар полкида оддий аскар бўлиб хизмат қилган давридаёқ ўз ҳаёт йўлини аниқ белгилаган эди.

Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган вақтда Абдуллажон Ортиқбоев барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, ҳарбий билим юртига ўқишга кириди. Курсантлик даврида жанговар ва ҳарбий-сиёсий тайёргарлик бўйича соҳа билимларини пухта эгаллайди. 1945 йилнинг феврида ҳарбий билим юртини тамомлагач, сафдошлари билан бирга Ғарбий Украинага – аввалига Львовга, сўнгра Мукачевода шакллантирилган йиғма полк таркибида взвод командири лавозимида хизматга юборилади. У бўйсунувидаги бўлинмани моҳирлик билан бошқарган ҳолда, бир қатор жанговар операцияларда муваффақиятли иштирок этади.

Урушдан сўнг Абдуллажон Ортиқбоев ҳарбий соҳага узвий боғланиб, юртни ҳимоя қилишни

ўз мақсадига айлантирди ва бир неча йил давомида сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида фаолият олиб борди. Йиллар давомида тўпланган тажриба, малака ва маҳорати сабаб Абдуллажон Ортиқбоев генерал-майор ҳарбий унвонига муносиб топилади ва бутун хизмати давомида эллиқдан ортиқ орден, медаль ва фахрий ёрликлар билан мукофотланади.

Чегара қўшинлари фахрийси генерал-майор Абдуллажон Ортиқбоев ўзининг ярим асрлик ҳарбий хизматидан сўнг истеъфодаги даврида ҳам шогирдларидан ўз насиҳатларию ўғитларини аямади. Ҳарбийлар билан ўтказиладиган давра суҳбатлари ва уч авлод учрашувларида мунтазам қатнашиб, шогирдларига ҳам руҳан, ҳам маънан қувват улашиб келди.

Бироқ инсон умрининг баҳори кун келиб, албатта, ҳазонрезги фаслига алмашуви ҳаётнинг азалий қонуни. 2022 йил 25 июль куни бешафқат ўлим оғир хасталикка учраган Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари фахрийси, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,

истеъфодаги генерал-майор Абдуллажон Ортиқбоевни 97 ёшида орамиздан олиб кетди.

Абдуллажон ота бу ёруғ дунёни тарк этган бўлса-да, устознинг порлоқ хотираси унинг дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари ва яқинлари қалбида яшамоқда. Давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллиги арафасида сарҳадларимиз посбонлари Абдуллажон отанинг хонадониди бўлиб, чегарачиларнинг чин маънодаги «онаси» бўлмиш Шаҳзодаҳон ая ҳолидан хабар олдилар. Суҳбат давомида устознинг хотираси ёд этилиб, Ватан равнақи, халқ осойишталиги йўлида хизмат қилган эл фидойиларининг номлари ва уларнинг эзгу амаллари ҳамиша эъзоз билан тилга олиниб, хотиралари мангуликка муҳрланиши, она тупроқ ботир фарзандларининг жисмини ўз бағрида мудом асраши, шунингдек, токи Ватан омон экан, унинг фидойи қаҳрамонлари ҳам ҳамиша барҳаёт экани таъкидланди.

**Майор Фарида БОБОЖОНОВА**  
ДХХ Чегара қўшинлари

# Tuhfa

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллик байрами арафасида минглаб ватандошларимизга янги уйлар, давлат мукофотлари топширилди. Бундай байрам тўхфаларидан тинчлигимиз посбонлари бўлмиш Ватан ҳимоячилари ҳам ваҳраманд бўлишди.

# БАЙРАМ ЯНГИ ХОНАДОНЛАРДА НИШОНЛАНМОҚДА



Мамлакатимиз Қуролли Кучлари нуфузини юксалтириш ва унинг жанговар шайлигини янада ошириш мақсадида олиб борилаётган амалий ишлардан бири – ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини

таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Сурхондарё вилояти марказидан олис бўлган Шеробод туманида жойлашган ҳарбий қисмда хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчилар ҳам ана шундай эътибор туфайли байрам

ни янги хонадонларда нишонлаш бахтига муяссар бўлди. Ҳарбий шаҳарчадаги тураржой бинолари сони бугун яна иккитага ортиб, 32 хонадондан иборат янги уйлар ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига топширилди.

Янги уйларни ўз эгаларига тантанали топшириш маросимида Жанубий оператив қўмондонлиги бошлиғи полковник Пўлатжон Сативалдиев, вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, шунингдек,

ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди. Шинам, замонавий, барча шарт-шароитларга эга хонадонларга кўчиб ўтган ҳарбий хизматчилар оилалари тадбир иштирокчиларини ўзига хос тарзда меҳмон қилишди. Янги хонадон эгалари томонидан 40 дан ортиқ миллий таом тайёрланиб, йиғилганларга тортиқ қилинди.

**III даражали сержант**  
**Акбар АҲМЕДОВ**  
Термиз гарнизони

# Ko`rik-tanlov

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари «Китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи», дея таъкидлаган бўлса, соҳибқирон бобомиз Амир Темур «Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир», дея уқтирган.

# «ЭНГ ЯХШИ ЁШ КИТОБХОН» ҲАРБИЙЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги «Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида



шеърият шартлари (эркин мавзу ўзбек ёки жаҳон адабиёти намояндаларининг асарларидан бирдан монолог ёки шеърий мисрани ифодали тарзда ёддан айтиб бериш) бўйича бўлиб ўтди.



китоб» шиори остида ўтказилди.

ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мудофаа вазирининг 2019 йил 22 апрелдаги буйруғига асосан вазирлик кўшинлари ҳарбий хизматчилари орасида ташкил этилган «Энг яхши ёш китобхон» танловининг сўнгги босқичи ўтказилди.

Мазкур танлов ёш ҳарбий хизматчилар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир меросини ўрганиш, китоб мутолаасига қизиқтириш ҳамда уларнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш мақсадида ташкил этилди.

Ушбу танлов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллиги муносабати билан «Мен ўқиган ўттизта

Танловнинг 1-босқичида 1 000 дан ортиқ ёш китобхон – ҳарбий хизматчилар, 2-босқичида 130 нафар ҳарбий хизматчи ҳамда танловнинг якуний босқичида ҳар бир ҳарбий округ миқёсида ғолиб бўлган 8 нафар ҳарбий хизматчи иштирок этди.

Танлов ғолибларини аниқлаш учун Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси мутахассислари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёшлар билан ишлаш бўлими ходимлари, Мудофаа вазирлиги «Шон-шараф» давлат музейи мутасаддилари иштирокида ҳакамлар ҳайъати тузилди.

Учта шартдан иборат мазкур танлов ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти ва

Танлов натижаларига кўра:

Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм кичик сержанти Ғолибжон Азимжонов 1-ўринни эгаллади.

Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округдан контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Дўсбек Тўрабоев ҳамда Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм кичик сержанти Шукрулла Юнусов 2-ўринга лойиқ топилди.

Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм кичик сержанти Умиджон Абдумажитов 3-ўринни эгаллади.

Барча ғолибларга китоблар жамланмаси ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Катта лейтенант  
Бобур ЭЛМУРОДОВ,  
«Vatanparvar»**

HIKOYA

ARK TEPASIDAGI NOG'ORACHILAR

Suratda Buxoro arkining kirish darvozasi ko'rib turibsiz. Qizig'i shundaki, darvoza yuqorisida nog'orachilar tun-u kun o'z xizmat vazifasini o'tagan. Ular har soatda odamlarga vaqtni aytib turishgan.



IKKITA RULLI MASHINA

Suratda UAZ-469 modelining ichki ko'rinishi aks etgan. Bu mashinaning negadir ikkita ruli borligi sizni hayratlantirmayaptimi? Chap tomondagisi avtomobilni boshqarish uchun ekanligini ilg'adingiz, o'ng tarafdagisi esa...

Daslab mashina harbiylar uchun ishlab chiqarilgan. Avtomobil old qismida mina izlovchi moslama bor. Ikkinchi rulni sayyor boshqaradi. Minaning jarangi eshivilishi bilan u avtomobilni to'xtatadi. Keyin sayyorlar kelib, uni tozalashadi.



@Vatanparvargazetasi\_bot  
"Vatanparvar" birlashgan tahririyati bilan bog'lanish uchun telegram bot



**SHU SONNING  
ELEKTRON SHAKLI**

VATANPARVAR

MUASSIS



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MUDOFAA  
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev  
polkovnik Otabek Yuldashev  
polkovnik Alisher Boboxonov  
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.

Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – "Vatanparvar" birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

ISSN 2010-5541

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50  
buxgalteriya: 71 260-35-20  
yuridik bo'lim: 71 260-29-41  
faks: 71 260-32-29

Navbatchi: mayor Gulnora Hojimurodova

Sahifalovchi: Dilnoza Meliqo'ziyeva

Musahhh: Mastura Qurbonova

Buyurtma: G-0905

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 799 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqib boshlagan.

Nashr ko'rsatkichi: 114. Bahosi: kelishilgan narxda.

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:  
100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.